

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент  
давлат техника университети

Ғ. Ёрматов, А. Т. Давтян

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСАЛАР ВА УЛАРДАН  
САҚЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ўқув қўлланма

Тошкент 2002

УДК 67721 021 152 628 511

Фавқулодда ҳодисалар ва улардан сақланиш чора-тадбирлари: ўкув  
қўлланма. Ф. Ёрматов, А. Т. Давтян, Тошкент давлат техника университети.  
Тошкент, 2002. 80 бет.

ўкув қўлланмада фавқулодда ҳодисалар ҳақида маълумотлар уларнинг  
тавсифлари, турлари ва уларга қарши курашнинг умумий усуллари  
ёритилган. Табиий фавқулодда ҳодисалар қаторига ёнғинлар ва уларга қарши  
кураш чора-тадбирлари ҳам киритилган. ўкув қўлланмадан “Ҳаёт фаолияти  
хавфсизлиги” фани ўқитиладиган бакалаврлар тайёрловчи ҳамма олий ўкув  
юртлари талабалари ва ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

13 та жадвал, 11 та расм. Адабиётлар рўйхати 12 номда.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети  
илемий-услубий кенгаши қарорига асосан чоп этилди.

Такризчилар: Тошкент Архитектура-қурилиш институти  
“Кимё ва экология” кафедраси  
катта ўқитувчиси Х.А. Азимов  
ТошДГУ “Машинасозлик технологияси”  
Кафедраси мудири тех. фан. доктори  
проф. Ж. Э. Алиқулов.

## I. ФУҚАРОЛАР МУДОФААСИННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Инсоният тарихида деярли ҳамма давларда инсон учун энг даҳшатли ва ниҳоятда кўнгилсиз воқеа уруш ва ҳар хил қирғинлар бўлиб келган. Бу урушларнинг ҳаммаси ўзгаларнинг ерига зўравонлик асосида босиб олиш бўлган. Жамият тараққиётининг бошланғич давлари ҳисобланган қулдорлик жамиятида кўпроқ ерга ва бу ердагиларни қулларга айлантириш йўли билан текин ишчи кучига эга бўлиш ва бунинг асосида инсониятнинг энг қадимдан таъкиб қилиб келаётган энг ёмон хусусияти-кўпроқ бойлик орттиришга бўлган хирс ҳисобланади. Аммо бунинг натижасида қўплаб гуллаган ўлкаларнинг ҳаробазорларга айланиши ва минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётда bemavrid кетишига сабабчи бўлиш кечириб бўлмайдиган воқеалар сирасига киради.

Феодал тузим вужудга келиши билан бундай урушларнинг салмоғи яна ортаборди, бу давр қирғинликлари ҳақидаги бирнеча минглаб тарихий шаҳарлар йўқ бўлиб кетгани маълум. Ҳозирги замон олимларининг тахминий ҳисоб-китобларига кўра тарихий ҳужжатлари маълум бўлган охирги 5500 йил давомида уришда ўлганлар сони 4 млрд. атрофида деб ҳисобланади.

Капитализмнинг пайдо бўлиши эса бу қирғинбарот урушларнинг янада авж олишига олиб келди, чунки капитализмнинг ривожланиши учун ҳомашё базалари зарур эди ва ҳомашё базалари бўлган давлатлар саноати ривожланган давлатлар учун осонгина ғалаба қозониш имкониятини берарди. Бунинг асосий сабаби: индустрнал ривожланган давлатнинг биринчи вазифаси-қирғин қуролларини ишлаб чиқариш бўлади ва бу қирғин қуроллари ишлатилмаса кейинги ривожланиш бўлмайди, яъни завод ва фабрикалар тўхтаб қолади ва бу ишчилар ғалаёнига сабабчи бўлади. Қирғин қуроллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводларнинг тинчлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш биринчидан катта қўшимча маблағ талаб қиласди ва иккинчидан тинчлик мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан келадиган фойда қирғин қуролларидан келадиган фойдага нисбатан бир неча марта оз.

Шунинг учун ҳам капитализм ривожлана бориши билан қирғин қуроллари ҳажми ҳам орта борди ва бу қуроллар мукаммал қирғин қуролларига айланди. Кўриниб турибтики, қурол-яроғларнинг мукамаллашиб бориши урушлар жараёнида қурбон бўлаётганлар сонини кескин ортиб кетишига олиб келди.

Дунёдаги шу соҳада тадқиқот олиб бораётганларнинг маълумот беришлирича 17-асрда қурбон бўлганлар сони 3 млн кишини ташкил қиласа, 18-асрда 5, 5 млн кишини, CAPut!'-асрда 16 млн ни ва 20-асрда эса бу рақам 70 млн дан ошибб кетди.

Курбонларнинг кўпайиши фақатгина ҳарбийлар орасида бўлиб қолмасдан балки тинч фуқаролар ўртасида қурбон бўлаётганлар сони ҳам кескин ошиб кетди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашига кўра биринчи жаҳон урушида 20 та ҳарбийга битта тинч аҳоли қурбон бўлган бўлса, иккинчи жаҳон уришида бу рақамлар тенглашди, яъни битта ҳарбийга битта фуқаро тўғри келди.

Агар кейинги урушларни олиб кўрсак, масалан 1949-52 йиллардаги Корея уришида бу рақам тинч аҳоли ҳисобига беш ҳисса ошди, Вьетнам урушида эса, бир ҳарбийга 10 фуқаро ҳалок бўлганлиги маълум.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 20 асрнинг биринчи ярмида урушлар учун сарфланган маблағ 4 триллион долларни ташкил қилган ва бу маблағ ҳисобига ер юзи аҳолисининг учдан икки қисмини талаб даражасидаги уйжой билан таъминлашга етар эди.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, урушлар натижасида урушга ҳеч қандай даҳли бўлмаган тинч аҳолининг қирилиб кетиши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади ва шунинг учун уруш хавфи мавжуд бўлган давлатларнинг ташкилий тизимларида фуқаро мудофааси тизими вужудга келди.

Хозирги замонда деярли ҳамма давлатлар ва айниқса катта куч ва қудратга эга бўлган давлатларнинг раҳбарлари тинчликсеварлик шиорлари билан чиқаётган ва бу ҳақда ҳар хил жаҳон ҳамжамиятларида тинчликсеварлик ҳақида маърузалар ўқилаётганлигидан қатъий назар, охирги ўн йиллик давр мобайнида бир қанча қирғин баротликлар рўй берганидан хабаримиз бор. Бунга мисол тариқасида Ўрта Осиё минтақасида ҳаммани ниҳоятда ташвишлантираётган, Афғонистонда бўлаётган воқеалар, Покистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги Кашмир вилоятини эгалиги ҳақидаги можаролар, шунингдек НАТО давлатларининг Югославияга қилган хужумлари ва Чеченистондаги бўлаётган воқеалар келтирилиши мумкин.

Келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, фуқаролар мудофааси зарурат сифатида вужудга келган фан ҳисобланади. Фуқароларни мудофаа қилиш аввал мудофаа вазирлигининг бир бўлинмаси сифатида вужудга келди. Унинг таркибий қисмлари белгилангандан кейин унинг жойлардаги бўлимлари ташкил қилинди. Бу бўлинмалар асосан фуқаролар яшаш ва ишлаш жойларида ташкил қилинганлиги сабабли деярли ноҳарбий кишилардан ташкил топди. Шунинг учун уларни ўқитиш, уруш ва тинчлик шароитлрида фаолият кўрсатиши меъёрлари белгиланди.

Собиқ Иттифоқ даврида фуқаро мудофааси масалаларига жуда катта эътибор берилган. Бундай эътибор САРу!'-30-йиллардан бошланган. Шу даврдан бошлаб Иттифоқнинг Европа худудларида жойлашган шаҳарларида фуқаро мудофаасига оид ишлар ҳамма фуқароларнинг ҳам яшаш жойларида, ҳам иш жойларида олиб борилди. Шунингдек янги қурилаётган биноларнинг деярли ҳаммаси бомбапаналар билан жиҳозланди ва эски биноларнинг ертўлалари ва бошқа ер ости иншоотлари бомбапана сифатида қайтадан тузиб чиқилди.

Бу қилинган саъи-ҳаракатлар иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин бекорга эмаслиги, қилинган меҳнат зое кетмаганлиги сезилди. Беш йиллик уруш давомида бир неча минглаб кишилар бомбардимон вақтида бу бомба-паналарда жон сақлаганлиги маълум. Шуни ҳам айтиш керакки, бу мудофаа масалалари уруш тугагандан кейин ҳам тўхтатилмай давом эттирилганлигини таъкидлаш зарур. Урушдан кейинги йилларда атом қуроли ишлаб чиқарилгани ва бу қирғинбарат қурол ишлатилганда фуқаролар учун ҳеч кўрилмаган миқдорда оғатлар ёғилиши мумкинлиги ва шунингдек бу қуролларни ер шарининг истаган нуқтасига етказиш имкониятини берадиган ракеталар кашф қилиниши туфайли энди уруш етиб бориши қийин бўлган регионлар деярли йўқ бўлиб қолди ва ернинг исталган нуқтасида ядро қуроли хавфи пайдо бўлди.

Шундан кейинги даврдан бошлаб фуқаро мудофаасининг шакли ва структураси ўзгартирилди. Қурилган бомбапаналар ядро қуролининг кучи ва қудратига бардош берадиган тартибда қайта жиҳозланди. Эндиғи ҳаракат фақатгина бомба парчалари ва босим кучидангина эмас, бомба портлагандан кейин ҳосил бўладиган нурланишлардан ҳам муҳофазаланиш эҳтиёжини вужудга келтириди. Фуқаролар иш жойлари ва яшаш жойларида ядро қуролининг даҳшатли фожиалар келтириши мумкинлиги тушинтирилди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ядро уруши хавфи дунё миқёсида бир неча марта келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган бўлса ҳам, ҳарқалай бошланиб кетмади ва шунинг учун бу тайёргарликлар талаб дараҷасида бўлганми-йўқми бу ҳақда бир нарса дейиш қийин.

Фуқаро мудофааси фақатгина уруш шароитида фуқароларни мудофасини таъминлаб қолмасдан одамзод ҳаётида урушдан кам бўлмаган талофатларга олиб келувчи табиий оғатлардан сақланиш чора-тадбирлари билан ҳам шуғулланган. Бу иккинчи масала ҳозирги замон шароитида муҳим аҳамият кашф этмоқда.

Дунё ҳамжамиятида вижудга келган шароит давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг бирмунча юмшашига сабаб бўлди. Иттифоқнинг тарқаб кетиши ва бунинг натижаси ўлароқ бошқа ҳамдўстлик давлатлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини таъминлагани НАТО давлатларига бўлган аввалги қарама-қаршиликни йўқотди ва шунинг билан бирга Ўзбекистон делегацияси НАТО саммитларида қатнашиши ижобий самараларга олиб келиши табиий. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда фуқаро мудофааси хизмати фавқулодда вазиятлар вазирлигига айлантирилди.

Ҳозирги тинчлик замонида айниқса мустақил Ўзбекистон ўз юксалиш йўлидан бораётган ҳолатида ҳеч қандай тинчсизликнинг бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон тинчликсевар ўлка ва у ҳеч кимнинг тинчлигини бузмоқчи эмас. Аммо табиат ато этган бу ўлка бирмунча фавқулодда ҳодисалар ўчоғи бўлиб келган. Айниқса у ўрнашган ҳудуд зилзила ҳавфи мавжуд бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун унинг ҳар бир фуқаросини бу ўлкада бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда ҳодисалардан огоҳ қилиш ва

фавқулодда ходиса рўй берган тақдирда ундан муҳофазаланиш чоратадбирларини белгилаш ва бундай ҳолатларда аҳолини иложи борича бу ходисалардан кам талофат билан қутилиб кетиш чора-тадбирларига ўргатиш "Хаёт фаолияти хавфсизлиги" фанининг энг муҳим бўлаги хисобланади.

## 2. БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТАБИЙ ОФАТЛАРНИНГ ҚИС-ҚАЧА ТАВСИФИ

Табиий оғатлар сирасига табиатда бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар (булар Ўрмонлар ва табиий бутазорлар, экинлар) қишлоқ ёки шаҳарчаларда кўплаб биноларни қамраб олган бўлиши мумкин, тўқайзорлар ва баъзи бир Ўлкаларда юз бериши мумкин бўлган торф қатламларининг ёниши, саванналар ва тропик Ўрмонларининг ёниши ва бошқаларда намоён бўлади; сув тошқинлари: узлуксиз бир неча кун ёки ҳафталар мобайнида ёмғирлар ёғиши ёки селлар натижасида дарёлар тошиши; зилзила; вулқонлар отилиши; сел келиши натижасида сув босиш ҳоллари; ерларнинг сурилиши; ҳар хил Ўпирлишлар; қаттиқ шамоллар; қор бўронлари ва қуонлари; қор кўчиш ҳоллари; ҳар хил эпидемиялар; уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларда учраши мумкин бўлган ҳар хил эпидемиялар; қишлоқ хўжалигига ва бошқа экинларда зааркунандаларнинг кўпайиб кетиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Табиий оғатлар ер куррасида доимо учраб турадиган ва Ўз зааралик даражаси ва инсониятга етказган зарари ва вайроналиклари билан ва шунингдек моддий ва маънавий бойликларни йўқолишига олиб келишини умуман жамласак, улардан келадиган зарап ва одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига олиб келиш масштаби бир қанча урушлардан кам эмаслигини кузатиш мумкин.

Табиий оғатлар-табиат инжиқликларининг кўринишлари сифатида пайдо бўладиган, инсоннинг рисолада яшаш тарзини ўзгаришига олиб келадиган, шунингдек кўпгина вайроналикларга, инсоннинг моддий бойликларини бузилиб йўқолишига олиб келадиган, баъзида кўплаб фожиаларга сабаб бўладиган табиат ҳодисасидир. Бу табиий оғатларнинг энг биринчисиз зилзилалардир. Чунки зилзилалар таъсир даражаси ва келтириб чиқарадиган вайроналиклари билангина ажралиб турмасдан, балки кўплаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига олиб келади. Бу ҳолда ҳаётдан кўз юмиш осонгина кечмасдан балки вайроналар орасида қолиб кетиш билан бўлади. Зилзилалар ер ости зарбалари натижасида ер юзасида табиий равища ҳосил бўладиган силкиниш хисобланади. Ер ости зарбасининг ҳосил бўлиш жараёни ер остидаги зилзила ўчоғи маълум қалинликдаги ер қатламида узоқ давр мобайнида йиғилган энергиянинг ажралиши туфайли юз беради ва бунинг натижасида

ер юзасида зарба тўғри келган марказдан ҳар томонга сейсмик тўлқин ҳаракати тарқалади.

Ҳалқаро сейсмик шкала MSK-64 га асосан зилзилалар 12 баллга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тектоник жараёнларнинг катта активлиги кузатилади, тоғларнинг ўсиши йилига 1-2 см ни баъзи бир жойларда эса 8-10 см ни ташкил қилиб, бу ўсишлар ер қимирлаши билан ўтади. Ер қимирлаш ўчоқлари ер қарига жойлашган бўлиб, асосан унинг гранит қатламида 5 дан 35 кмгача чуқурликда жойлашган бўлади.

Зилзилалар табиий оғатлар ичида энг хавфлиси бўлиб, кўплаб одамларнинг умрига зомин бўладиган оғатлар сирасига киради.

Мисол тариқасида 1948 йилдаги Ашхабадда бўлган зилзила 110 минг кишининг умрини зомин қилган эди. Унинг натижасида шаҳар бутунлай вайрон бўлган ва унинг ўрни ҳосил бўлган зарба натижасида горизонт бўйича 2,5 км масофага силжиб кетган.

1966 йилдаги Тошкент ва бирмунча кейинроқ Газли ва Назарбекда бўлган ер қимирлашлари натижасида Республикамизга жуда моддий зарар етказилган эди.

1988 йилда Арманистон шимолида бўлган ер қимирлаш бу асрда бўлган зилзилаларнинг энг мудҳишларидан бири саналади. Бунинг натижасида 25 минг киши ҳалок бўлди; 3 та шаҳар ва 360 та қишлоқ вайронага айланди. Бундан 700 минг одам зарар кўрди; 514 минг киши бошпанасиз қолди. Бу зилзила туфайли Арманистон 8 млн квадрат метр тураг жой фондидан ажралди. 1999 йилда Туркия ҳудудида бўлган кетма-кет зилзилалар бир неча шаҳарни вайрон қилди неча минглаб киши қурбон бўлди ва неча минглаб киши бошпанасиз қолди.

Умуман олганда, Ўрта Осиё ва Марказий Осиё ҳудудлари зилзила хавфи юқори бўлган ҳудудлар сирасига киради. Ҳозирги замон фани ютуқлари асосида зилзилаларни башорат қилиш имкониятини берадиган ютуқларга эришган бўлсада, лекин унинг аниқ вақтини айтиб, олдиндан унга тайёрланиш имкониятлари ҳозирча яратилган эмас.

Иккинчи энг катта табиий оғатлардан бири ва хавфлилик даражаси зилзилалардан кам бўлмаган-оғат сув тошқинлари ҳисобланади. Уни келтириб чиқарувчи сабабларга кўра уч туркумга бўлиш мумкин.

1. Табиат инжиқликлари натижасида маълум ҳудудга хаддан ташқари кўп миқдорда ёмғир ёғиши ва тоғли ҳудудларда куннинг исиб кетиши натижасида қор ва музликларнинг эриб кетишидан ҳосил бўладиган сув тошқинлари.

2. Денгиз ва океанлар яқинига жойлашган шаҳар ва ҳудудларга шамол ва бўронлар таъсиридан сувнинг тошиб кетиши натижасида бўладиган сув тошқинлари.

1974 йилда худди шу ҳолатда юз берган сув тошқини натижасида Ҳиндистон худудидаги 22 шаҳар ва 10 минг қишлоқ сув остида қолиб кетган эди ва бунинг натижасида 1000 киши ҳаётдан кўз юмди.

3. Ер ости зилзилалари натижасида келиб чиқадиган сув тошқинлари. 1953 йилда бўлган шундай сув тошқинидан Голландия зарар кўрган эди ва бунинг натижасида 1800 киши ҳалок бўлган эди.

Ўзбекистон Республикасида сув тошқинлари ҳудудимизда бўлган сув омборларини тўсиб турган тўғонлар бузилиб кетиши ва тоғли ҳудудларда шиддатли ёмғир ёғишидан сел ҳосил бўлиши натижасида рўй бериши мумкин. Республикамиз ҳудудига зарар етказиши мумкин бўлган сув омборлари 27 та бўлиб, булардан 10 та сув омбори қўшни республикалар ҳудудига жойлашган.

Сув омборларида йиғилган сув ҳажми қўйидагича:

- Тошкент денгизи-250 млн м<sup>3</sup>;
- Жиззах сув омбори-85 млн м<sup>3</sup>;
- Каркидон сув омбори-218 млн м<sup>3</sup>;
- Косонсой сув омбори-165 млн м<sup>3</sup>;
- Каттақўрғон сув омбори-900 млн м<sup>3</sup>;
- Куйимозор сув омбори-300 м<sup>3</sup>;
- Чорвоқ сув омбори-2 млрд м<sup>3</sup>;
- Андижон сув омбори-1, 75 млрд м<sup>3</sup>;
- Туямўйин сув омбори -5, 3 млрд м<sup>3</sup>;
- Чимқўрғон сув омбори-300 млн м<sup>3</sup>;
- Учқизил сув омбори-165 млн м<sup>3</sup>;
- Пачкамар сув омбори-280 млн м<sup>3</sup>;

Мабодо бу сув омборларидан сув уриб кетса, сув босиб кетиши мумкин бўлган ҳудуд майдони 57, 9 минг км<sup>2</sup>-га teng ва бу ҳудудда 7 млн киши истиқомат қиласи. Фалокат содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудда 44 та шаҳар ва бирнечча юзлаб қишлоқлар, коммуникация иншоотлари,-2775 км автомобил йўллари ва юзлаб қишлоқ хўжалик бўлимлари мавжуд.

Сув тошқинлари вақтида аҳолини муҳофаза қилишнинг асосий йўли, уларни сув тошқини бўлиши мумкин бўлган ердан одамларни, у ерда бўлган ҳайвонларни ва техника анжомларни олиб чиқиб кетиш ва шунинг билан бирга бу сув тошқинлари зарар даражасини камайтиришга қаратилган чоратадбирларни ҳам амалга оширишни унутмаслик керак.

Ёнгинлар ҳам фавқулодда ҳодисалар қаторига киради. Ҳозирги вақтда ёнгинлар инсон учун энг хавфли табиий оғатлар қаторига кириб бормоқда, чунки ёнгиндан келадиган зарар жуда катта миқдорни ташкил қилиши билан бирга инсон ҳаётига ҳам таҳдид соловчи омиллардан бирига айланиб қолмоқда.

1972 йида АҚШ да 2,5 млн ёнгин кузатилган ва унда 12 минг киши ҳалок бўлган ва етказилган моддий зазрар 11 млрд доллар миқдорни ташкил қилган. Тошкент шаҳрида ҳар йили 500 дан 800 гача ёнгинлар бўлиб туради

деган маълумотлар бор. Бундан Республикамиз иқтисодига жиддий моддий зарар етиши табиий.

Республикамиз ҳудудида 200 дан ортиқ портлашга ва ёнғинга хавфли иншоотлар мавжуд. Демак Республикамиз ҳудудида ёнғинга қарши кураш чора-тадбирларини белгилаш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

### 3. ЗИЛЗИЛАЛАР, ВУЛҚОНЛАР ОТИЛИШИ ВА ЕРГА МЕТЕОРИТЛАРНИНГ ТУШИШИ

Зилзилалар ер остидаги қизиган ва чўғланиб эриган моддаларнинг ҳажмий Ўзгаришлари натижасида, ер марказида ҳаракатланиши натижасида баъзибир табиий кечадиган ҳолатларга кўра ер марказида баъзибир гассимон моддаларнинг тўпланиши ва булар ниҳоятда катта босим остида бўлганлиги сабабли лавалар йўлига тўсиқ бўлиши мумкин. Вақт Ўтиши билан бу босим остидаги газлар бизга маълум бўлмаган табиий ҳодисалар натижасида Ўз Ўрнини Ўзгартириши мумкин. Унинг Ўрнини лавалар эгаллаши натижасида ер қарида катта миқдордаги энергия жамланиши ва бу энергия Ўзи учун маълум бўшлиқ излаб, уни топиши натижасида шу бўшлиқка кескин отилиб Ўтиб кетиши натижасида келиб чиқадиган зилзилалар тектоник зилзилалар деб аталади.

Бундан ташқари юқорида санаб Ўтилган жараёнлар натижасида ер қаъридаги эриган лава Ўзига ёндош бўлган газлар билан бирга ер юзасига чиқиш учун йўл изласа ва ер юзасидаги маълум сабабларга кўра бўш қолган бўшлиқларни тўлдирса унда мана шу тўлдириш жараёнида пайдо бўлган энергия ер силкинишига олиб келади ва вулқонлар отилиши натижасида келиб чиқадиган зилзилалар деб юритилади.

Яна ер шари космик фазода ҳаракатланганлиги сабабли, у ҳар дақиқада миллионлаб катта-кичик жисмларни учратади ва бу учраган нарсалар ер юзаси атмосфераси қатламларига кириб, ҳаракат тезлиги катта бўлганлиги сабабли атмосферада қизиб ёниб кетади. Бундай ёниш ҳар дақиқада миллионлаб бўлганлиги сабабли биз уни юлдуз учиши сифатида ердан кузатишими мумкин. Бундай жисмларнинг йирик турлари ҳам бўлади ва у атмосфера қатламига кириб ёниб кетгани билан хажми катта бўлганлиги сабабли ер юзига келиб тушгунга қадар ёниб улгура олмайди ва ерга катта куч билан келиб тушганлиги сабабли ерга бир неча Ўн метр чукурликка кириб кетади ва Ўзида катта энергияни жамлаганлиги сабабли кучли портлаш рўй беради. Бундай катта жисмнинг ерга урилиши ер юзасида маълум миқдорда силжишлар ҳосил қиласида ва бу зилзилалар келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Тектоник зилзилалар** (Ер остидаги юқорида айтиб Ўтилган жараёнлар ер қобиғига таъсир кўрсатиши натижасида ер юзасида силжишлар вужудга келганлиги сабабли шундай номланади). Бу зилзилаларнинг асосий кўрсаткичлари сифатида унинг қучи ва характеристикасини белгиловчи бел-

гилари-унинг магнитудаси, зилзила Ўчоғи чуқурлиги ва ер юзасига таъсир қилувчи энергия интенсивлиги ҳисобланади.

Магнетуда-Рихтер шкаласида энергияга пропорционал бўлган 0 дан 8,5 балгача бўлган бирликларда берилса, 0 дан 12 балгача берилса бу оддий бизда фойдаланадиган шкалаларда белгиланиб, ҳар битта Ўсиб борувчи рақам тебраниш энергиясини 100 карра Ўсганлигини билдиради. Рихтер шкаласи бўйича 8,5 ва оддий шкалада 12 балл энг оғир оқибатларга олиб келадиган зилзилалар ҳисобланади.

Зилзила Ўчоғи чуқурлиги-бу ҳар бир зилзилага хавфли бўлган районларда ҳар хил бўлиб 0 дан 700 км гача чуқурликларда бўлиши мумкин. Сейсмик ра-йонлар учун Ўзининг маълум чуқурликлари мавжуд бўлиб, агар унинг чуқурлиги катта бўлса зилзиланинг таъсир радиуси анча катта майдонларга тарқалиши мумкин.

Энергия тиғизлиги, яъни кучи Ўн икки балли шкала бўйича белгиланадиган ер юзасидаги ер силкиниш кучи ҳисобланиб, у қуйидагича эътироф этилади: сезилар-сезилмас, жуда кучсиз, кучсиз, сезиларли, анча кучли, кучли, жуда кучли, бузиб юборувчи, вайрон қилувчи, кучли вайроналикка олиб келувчи, фалокатли ва кучли фалокатли.

Зилзилани келтириб чиқаришга сабабчи бўлган ер остидаги зилзила Ўчоғи- гипомарказ (гипо-чуқурлик)дир. Шу ернинг ер юзаси эпимарказ (эпижода) деб аталиб, бу зилзиланинг энг кучли таъсир ер силкинадиган юза бўлади. Кейинги ер юзаси бўйлаб тарқалиш эластик ёки сейсмик тўлқинлар тарзида ернинг қаттиқ қобиги бўйлаб тарқала бошлайди (ер остида ядро портлатилганда ҳам худди шундай ҳодиса бўлади).

Ҳар йили ер юзасида умумий 100 минг ер силкинишлари кузатилади (бу бир суткада 300 силкиниш демакдир), аммо буларнинг ҳаммаси ҳам хавфли эмас. Шундан тахминан йилига 10 мингини одамлар сезади. Йилига тахминан 100 га яқин зилзилалар фожиали оқибатларга олиб келади. Бунда бир неча секунд ичida бутун бошли шаҳар-қишлоқлар вайрон бўлиши ёки океан якинида жойлашган мамлакатларда сув остида қолиши ток ҷўққиларининг бузилиб кетиши натижасида у ерда эриётган қор сувларининг йўли тўсилиши натижасида тоғнинг қаърида кўллар пайдо бўлиши ва шунингдек зилзилалар таъсирида океанлар тубидан янги ороллар ҳосил бўлиши, тоғларнинг маълум масофага силжиб кетиши ва ер қимирилаши таъсирида ернинг ёрилиши натижасида бир неча Ўн ва хаттоки юз метр ва ундан ҳам чуқурроқ жарларнинг ҳосил бўлиши зилзилаларнинг оқибати ҳисобланади.

Шаҳарларда электр ва газ тармоқларининг ишдан чиқиши натижасида узилган газ қувурларидан чиқиб кетган газлар кўплаб ёнғинлар чиқишига сабабчи бўлади. Автомобил ва темир йўллар ишдан чиқади. Тоғли Ўлкаларда тоғларнинг Ўпирлиб кетиши йўлларнинг беркилиб қолишига олиб келади, алоқа тармоқлари ишдан чиқади. Зилзила бўлган жой бошқа ҳудудлардан узилиб қолади; бу эса у ердаги омон қолганларни катта рухий тушкунликка олиб келади.

Кучли ҳалокатли зилзилаларда  $10^{24}$ - $10^{25}$  эрг энергия ажралади ва бу энергия ер юзида портлатилган мегатон ядро заряди портлашидан бир неча марта катта вайронагарчиликларга сабабчи бўлади.

1-жадвал

### Умумий 12 балли тизимда зилзилалар тавсифи

Бал	Зилзила кучи	Қисқача тавсифи
1	Сезилар-сезилмас	Фақат сейсмик асбоблар билан сезиш мумкин
2	Жуда кучсиз	Сейсмик асбоблар ёрдамида сезилади. Тинч ҳолатда ётган баъзи бир одамлар сезиши мумкин
3	Кучсиз	Осма лампалар енгил тебранади. Очик эшиклар ҳам қимирлаб қўйиши мумкин. Аҳолининг бир қисми сезади.
4	Сезиларли	Ўтирган ва ётган одамнинг ҳаммасига ернинг енгил тебранаётгани сезилади. Эшик, дераза ва деворлардан қисирлаб овозлар эшитилади.
5	Анча кучли	Кўчада ва ховлида юрганларнинг кўпчилиги ва уйда бўлганларнинг ҳаммаси сезади. Бинолар ва мебеллар тебранаётгани кўринади. Осма соатлар капкири тўхтаб қолади. Деворларда ва бошқа сувалган ерларда ёриклар пайдо бўлади
6	Кучли	Ҳамма сезади. Кўп одамлар уйларидан югуриб ташқарига чиқиб кетади. Деворларда катта ёриклар пайдо бўлади. Сувалган деворларнинг шувоғи баъзи ерлари кўчибтушади.
7	Жуда кучли	Осиб қўйилган нарсалар кучли тебранади. Мебеллар Ўрнидан силжиб кетади. Фиштдан қилинган уйларда ҳам ёриклар ва бошқа Ўпирилишлар юз беради. Дарёларнинг ва тоғларнинг ён бағриларида силжишлилар пайдо бўлади.
8	Бузиб юборувчи	Уйлар жиддий шикастланади. Ҳайкаллар Ўрнидан силжиб кетади ёки бутунлай қулаб тушади. Сой бўйлари ва тепалар ён бағриларида ёриклар пайдо бўлади.
9	Вайрон қилувчи	Фиштдан қилинган уйлар кучли заарланади ва бузилиб тушади. Синчли уйлар қийшайиб Ўз шаклини йўқотади.
10	Кучли вайроналикка олиб келувчи	Ерда 1 метр ва ундан катта бўлган ёриклар пайдо бўлади. Йуллар Ўз шаклини йўқотади. Деярли қамма уйлар қулайди. Тепаликлар ва дарёлар ён бағрида Ўпирилишлар вужудга келади
11	Фалокатли	Деярли ҳамма уйлар қулайди. Ер кўрилмаган даражада ёрилиб жарлар ҳосил бўлади. Темир йўлларнинг ҳаммаси қийшайиб яроқсиз холга келади. Йўллар ва комуникацияларнинг деярли ҳаммаси ишдан чиқади
12	Жуда фалокатли	Ҳамма уйлар вайронага айланади. Ез юзи таниб

		бўлмайдиган даражада Ўзгаради. Кўрилмаган даражада катта жарликлар ва хаттоқи сойлар пайдо бўлади. Дарёлар Ўзанини Ўзгартиради. Табиат олами ва ҳайвонот олами ҳалок бўлади
--	--	---

Бундай кучли фожиали зилзилалар тоғли ҳудудларда, океан ва денгизбўйи давлатларида масалан Камчатка, Япония, Аляска, Мексика, Чили, Алъп тоғлари Болқон ва Кавказ ва бошқаларда юз бериши мумкин.

Ўпирилувчи зилзилалар ер остидаги карс бўшлиқлари ва ташлаб қўйилган қонларнинг Ўпирилиши натижасида келиб чиқадиган зилзилалар ҳисобланиб, уларнинг кучи унча катта бўлмаганлиги учун зарари ҳам кўп бўлмайди.

Сув ости вулқонлариниг отилиши натижасида, сув остининг рельефи ва шаклишамоили Ўзариши натижасида гравитация тўлқинлари ҳосил қилиши ҳисобига пайдо бўладиган улкан тўлқинлар “цунами” деб юритилади ва океан бўйи аҳолисига жиддий зарап етказади.

Метеоритлар тушиши ва уларнинг портлашидан ҳосил бўладиган зилзилалар камёб ҳодиса бўлса ҳам инсоният тарихида бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади.

Баъзи бир таниқли олимларнинг башоратларига кўра ернинг узоқ Ўтмишида ер юзини банд этган улкан динозаврлар ва бошқа жонзотлар ернинг космик астероидлар билан тўқнаш келиб урилиши натижасида ер Ўқининг бирмунча силжиб кетганлиги натижасида ер юзида совуш бошланган ва бу юқорида зикр этилган жонзотларнинг қирилиб кетишига олиб келган. Инсоният тарихида бундай космик жисмлар билан тўқнашиш изларини учратиш мумкин. Масалан, унча узоқ Ўтмиш бўлмаган 1908 йилда Сибирнинг Тунгус районидаги метеоритнинг портлаши натижасида жуда катта майдон вайрон бўлиши билан бирга ундан ҳосил бўлган зилзилалар кучи анча узоқ масофаларда сезилган. Бундай метеорит ёки кометалар билан тўқнашиш ер юзасида ниҳоятда кучли портлаш билан кечиши ва бунинг натижасида ер юзида ниҳоятда катта кратерлар ва кўллар ҳосил бўлганлиги маълум. Бундай тўқнашишлардан пайдо бўладиган портлашлар натижасида ниҳоятда катта микдордаги энергия ажралиши кузатилади ва бу энергия шу яқин атрофдаги бир неча Ўн километр масофадаги радиусда бутун жонзод ва Ўрмонларнинг йўқолиб кетишига ва катта вайронагарчиликларга олиб келади.

Мисол тариқасида Жанубий Африка Трансвааль худудига тушган метеорит портлашидан ҳосил бўлган энергия 2500000 Мт, Тунгус метеорити 1000 Мт атом ядроси портлашига teng бўлган энергия ажратган деган ҳисоблар мавжуд. Дунёдаги давлатларнинг кўпчилигига космик жисмлар-метеоритлар ва астероидлар портлашидан ҳосил бўлган кратерлар ва улкан кўллар топилган.

Астероид, метеорит ва кометаларнинг ер юзида ҳосил қилган портлаш кратерлари қуидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Номи	Давлат, район	Диаметр, Км	Тушган вақти, йил.
Маникуаган	Канада	65	Аниқ эмас
Клируотер	Канада	35	Аниқ эмас
Ришат	Мавритания	50	Аниқ эмас
Трансвааль	Жанубий Африка	-	Аниқ эмас
Попигай	Сибир, Попигай дарёси райони	100	28 млн.
Болтишев	Кировоград облас-ти	25	70 млн
Ротмистров	Кировоград облас-ти	2	70 млн
Калуга	Калуга шаҳари, райони	15	400 млн
Янисъярв	Эстония	15	700 млн
Тунгус	Сибир	-	93

Зилзилалар ниҳоятда оғир, ҳалокатли ва фожиали оқибатларга олиб келадики, бунинг натижасида атом портлашларидан бир неча марта катта бўлган войронагарчилик юзага келади. Бу вайронагарчиликлар оқибатларини қуидагича тавсифлаш мумкин:

Тураг жой биноларининг бузилиб ва тўнтарилиб кетиши натижасида бино вайроналари остида қолган одамларни ҳалок бўлади. Маълумки, одамлар ер қимирилашдан эмас, ер қимирилаши натижасида бузилиб кетган бинолар парчалари остида қолиб кетганлиги учун ҳалок бўлади;

Зилзилалар шаҳарлар ёки катта-катта қишлоқларни Ўз ичига олган бўлса, унда портлашлар ва ёнгинлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. Буларнинг асосий сабаби шаҳар ва қишлоқлардаги электр тармоқларининг ишдан чиқиши натижасида кўп ерларда қисқа туташувлар бўлиши ва бу шаҳар ва қишлоқлардаги газ тақсимлаш ва газ бериш трубаларининг ишдан чиқиши натижасида тўпланиб қолган газлар электр учқунлари таъсирида портлашга мувофиқ муҳит яратади. Агар шаҳарда кўплаб енгил алангланувчи моддалар сақланаётган бўлса, унинг оқибати дахшатлироқ бўлиши мумкин;

Катта кучдаги зилзилалар натижасида ер ёрилиши ва ер силжишлари на-тижасида бутун бошли қишлоқлар ва шаҳар районлари ер остида ёки вайроналар остида қолиб кетиши мумкин.

Аҳоли яшаш масканлари яқинида дарёлар, каналлар, кўллар ва бошқа сув иншоотлари бўлса, уларнинг бузилиб кетиши, дарёларнинг Ўз Ўзанини

Ўзгартириши натижасида у масканларни сув босиб кетиш хавфи пайдо бўлади.

Булардан ташқари дунёнинг бошқа худудларида бўладиган табиий оғатлар, масалан вулқонлар отилиши натижасида минглаб аҳоли яшайдиган худудларда вулқон отилишидан ҳосил бўлган заҳарли тутун босиб кетиши ва бу тутунлар бирнеча қунлаб тарқалмаслиги натижасида одамларнинг ҳалокатли ҳолатлари кузатилган. Бундан ташқари вулқонлар отилганда катта миқдордаги қул ва қурум отилиб чиқади ва бу қурум бир неча Ўнлаб гектар майдонларни босиб кетиши мумкин. Бу қурум ва кўллар қум билан аралашган ҳолатда бўлиши унимли ерларни ишдан чиқаради ва булар таркибида чиқаётган лавалар тоғ ён бағрига жойлашган обод масканларни ёндириб култепага айлантиради.

Денгиз ва океанлар яқинида жойлашган аҳолига сув тошқинлари ва катта кучдаги довуллар ва цунами каби оғатларга дош беришга тЎғри келади.

Бу келтириб Ўтилган воқеалар одамларнинг руҳий ҳолатида салбий таъсир кўрсатади. Натижада одамларда руҳий тушкунлик, қўрқув пайдо бўлади ва баъзи бир ҳолатларда руҳий касалликлар келиб чиқишига олиб келади.

Одатда зилзилалар тЎсатдан бошланади. Бунда одамларда қўрқув хисси саросималикка олиб келади. Саросимага тушган одамлар бараварига хоналардан ёки бинолардан чиқиб кетиш жойларига интилади ва бу интилиш бирданига вужудга келганлиги сабабли одамлар кўпроқ тЎпланадиган биноларда чиқиш жойларида ур-ийқит бошланади ва бу ерда бир одам иккинчисига йЎл бериш кераклиги ҳақида умуман Ўйламайди ва ҳар ким учун Ўз ҳаётини қутқариш биринчи даражали ишга айланади. Бу эса қўшимча фожиалар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Шунинг учун зилзила хавфи бўлган худудларда одамларни олдиндан огоҳлантириш хизматини ташкил қилиш ва саросималикнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Бундай жойларда шунингдек одамларни уйдан чиқиб кетгандан кейин уйга тезда қайтиб кириш имконияти бўлмайди; бунга биринчидан қўрқув хисси ҳалақит берса, иккинчидан унинг қайтадиган уйи вайронага айланган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун бундай худудлардан палата шаҳарчалари қуриш учун етарли палаткалар ва уларни ҳаёт фаолияти издан чиқмаслигини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш масалалари олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиши керак. Бу худудда жойлашган саноат корхоналари ва энергетика тармоқларини ишини аварияни олдини олишга қаратилган автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида энергия тармоғини Ўчиришни таъминловчи воситалар олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, зилзила хавфи бўлган районларда зилзила бўлиш вақтини олдиндан билиш ва унинг бўлишини аҳолига Ўз вақтида етказиш ва зилзила вақтида у ердан чиқиб кетиш имконияти

бўлмаган тақдирда саросимага тушмасдан совуққонлик билан ҳаракат қилиш, яъни эшиклар оралиғига ёки мустаҳкам ва бақувват мебеллар бўлса, уларнинг тагида зилзила оқибатларини ва тугалланишини кутиб туриш зилзиладан омон сақланишнинг асосий йўли хисобланади.

Хозирги вақтда дунёдаги ҳамма сейсмик хавфли районлар, хаттоки қайси жойда неча баллгача зилзила бўлиши мумкинлигини белгилаган ҳолда аниқлаш имконияти бор. Ҳамма зилзила хавфи бўлган худудларга эга бўлган давлатларнинг ҳаммасида сейсмик станциялар ва сейсмология илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялари ишлаб турибди. Бу станция ва лабораториялар бир-бирлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган ва бир-бирлари билан ахборот алмашиш имкониятлари йўлга қўйилган. Бу маълумотларни интернет тизими орқали олиш ва узатиш имкониятлари мавжуд.

Бу станциялар ва институтларнинг асосий вазифалари - зилзилани аниқ бўлиши мумкин бўлган вақтини иложи борича аниқликда олдиндан илмий асосларда асослаб башорат қилиш ва уни Ўша зилзила бўладиган ҳудуд аҳолисини зилзила хавфидан огоҳ қилиш билан уларнинг ҳаётини сақлаб қолишдир. Бу борада бирмунча ишлар амалга оширилган бўлсада, масалан, зилзила бўлиши мумкин бўлган жойни аниқ айтиб бериш ва уни билиши мумкин бўлган вақтини тахминий айтиш имкониятлари бўлсада, уни вақтини аниқ айтиш имконияти йўқ.

Зилзилалар бўлиш вақтини анъанавий методлар билан, масалан сув ости сувларининг таркибини аниқлаш ва сувлар таркибидаги радон миқдорини белгилаш ва бошқа тажрибалар йўли билан, яъни илгариги зилзилаларнинг даврийлиги ва бошқа хусусий белгилар: зилзила бўладиган худудларда ҳайвонларнинг бесарамжонлиги, ёввойи ҳайвонларнинг у ердан узокроққа қочишига интилиши ва бошқа белгилардан ер силкинишини башорат қилиш мумкин.

Зилзила бўлган худудда биринчи навбатда вайронага айланган, ярим вайрон бўлган, босиб қолган ва ёнаётган бинолар остидан заарланганларни кутқариб олиш, уларга биринчи ёрдам кЎрсатиш, ёнаётган биноларда Ўт Ўчириш ишларини амалга ошириш, заарланганларни сув билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш, Ўтиш Ўлларини бузилган бинолар бўлакларидан тозалаш, баъзи бир ярим бузилган биноларнинг одамлар ҳаётига хавф solaётган қисмларини бузиб ташлаш, автотранспорт воситалари ҳаракатланиши керак бўлган зоналарда тиклаш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, электр ва газ тармоқларида юз берган заарларни аниқлаш ва вақтинча бўлса ҳам уларни Ўчириб ёнгин ва портлаш хавфини олдини олиш, яроқсиз ҳолга келган ва таъмирлаш имконияти бўлмаган биноларни бутунлай бузиб ташлаш, соғ қолган биноларда уларнинг мустаҳкамлигини текширгандан кейин уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган хЎжаликлари ва электр ва газ таминоти тизимини заарланмаганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин уларга заарланганларни вақтинча жой-

лаш, яқин Ўртада жой танлаб унга ҳамма бошпанасиз қолганларни палаткали лагер ташкил қилиб жойлаштириш ва бошқа ишлар амалга оширилади.

**Сув тошқинлари.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув тошқинлари Республикализ ҳудудида ташкил қилинган сув омборларидан бирор бир кўнгилсиз воқеа сабаби билан дамба ва бошқа сув тўсиқларининг бузилиб кетиши натижасида бу сув омборидан пастрок ҳудудларнинг ҳаммасида сув тошқини хавфи пайдо бўлади. Бундай сув омборлари суғориладиган ҳудудларнинг ҳаммасида ташкил қилинганлиги сабабли бу хавф ҳамма вилоятлар ҳудудларида ҳам мавжуд. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Республикализ ҳудудининг кўпгина қисмини тоғли районлар ташкил қиласди. Бунга мисол тариқасида Тошкент вилояти, Фарғона водийси вилоятларининг бир қанча туманлари, Сурхондарё ва Қашқадарё туманларини кўрсатиш мумкин. Бу ҳудудларда баҳор фаслида бўладиган ёғингарчилик вақтида дўл ва селлар бўлиб туради. Тоғли районларда бўладиган бундай селлар тоғларда йиғилган сувлар водийларга йўналганлиги сабабли катта сел бўлган тақдирда сув Ўз йўлидаги тошларни ҳам оқизиб водийларга тошиб кетиши ва бунинг натижасида катта вайронагарчиликка сабаб бўлиши мумкин.

Бу вилоятларнинг деярли ҳаммасида водий томонга оқадиган дарё ва сойларнинг ҳаммаси муҳофаза воситалари билан таъминланган. Шундай бўлишига қарамай баъзи бир туманларда ҳисобга олинмаган ҳодисалар бўлиб туради. Тоғли сел келиш эҳтимоли бўлган жойлардан одамлар хавфсиз жойларга кўчирилган бўлса ҳам у ерга Ўрганган баъзи дехқонлар вақтинча жой қилиб у ердаги серҳосил ерлардан фойдаланишга ҳаракат қилган ҳолларда, сел келиши улар учун хавфли вазият пайдо қилиши мумкин.

Маълумки, агар сув омборларидағи дамбалар ва тўғонлар шикастланиши натижасида сув тошқини бўлиши хавфи сезилса, унда сувнинг аҳоли яшаш жойларигача етиб келиш вақти 3-4 соатни ташкил қиласди. Шу давр мобайнида аҳолини ва чорва молларини ҳамда энг керакли асбоб-анжомларни сув боши мумкин бўлган жойдан хавфсиз жойга кўчириш чора-тадбирлари кўрилади.

Аввало сув тошқинлари бўлиши эҳтимоли бўлган жойларга хўжалик бинолари ва ҳар хил саноат иншоотлари, одамлар йиғилиши керак бўлган бинолар қурилмайди. Баъзи бир мажбуран қурилган бинолар ҳам хавфни қайтариш имкониятини берадиган ёки хавфнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилгандан кейин қурилиши мумкин.

Сув тошқинлари вақтида қутқарувчиларнинг асосий вазифаси сув тошқини вақтида у ердан чиқиб кетишга улгурмаган одамларни қутқариб моддий бойликларнинг иложи борича кам заарланишини таъминлаш, агар вақтинча дамбалар қуриш йўли билан баъзи бир халқ хўжалиги объектларини ва моддий бойликларни сақлаб қолиш имконияти бўлса унда бу ишни амалга ошириш чора-тадбирларини ишга солишидир. Ундан кейинги ишлар биздаги сув омборларида сақланаётган сув чексиз бўлмаганлиги сабабли у тез орада камая бошлайди. Бунда заарланган биноларни бутунлай бузилиб

вайрон бўлиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган инженер-техник ишларни амалга оширишга тўғри келади. Бу ишлар қаторига бузилмаган биноларнинг турғунлигини таъминлашга қаратилган ишлар, подвал ва пастки қаватларда йиғилиб қолган сувларни насослар ва бошқа ёрдамчи воситалар ёрдамида чиқариб юбориш ва шу жойларда бўлган баъзи бир моддий бойликларни хавфсиз жойларга кўчириш ва кўчирилган аҳолини вақтинча яшаш жойлари билан таъминлаш киради. Тошқин бўлган ҳудуд коммуникациярини тиклаш ишларини бажариш ҳам фавқулодда ҳодисалар қутқарувчилари зиммасига тушади.

Дунёнинг бошқа ҳудудларида, масалан Россияда сув тошқинлари деярли ҳар йили баҳорда бўладиган одатий ҳол ҳисобланади. Сибир дарёларининг деярли ҳаммаси Шимолий муз океанига қуйилади. Бу дарёларнинг бошланиш жойлари асосан жанубий тоғли районларга тўғри келади. Бу ҳудудларда ёғингарчилик кўп бўлади, эриган қорлар аввал жанубдан бошланиб ундан кейин шимолга йўналади ва бу вақтда дарё Ўзанлари бошдан охиригача музлаганлиги сабабли бу сувлар муз устидан ҳаракатлана бошлайди ва дарё Ўзанини янада юзаланишига сабаб бўлади. Маълум даражада йиғилган сувлар яна Ўзан бўйлаб йўналади ва яна музлайди. Шундай қилиб дарё Ўзани тўлиқ муз билан қопланади. Агар ҳавонинг исиши бир маромда борганда эди, унда маълум сув босиши керак бўлган текисликларни сув босиб кейин аста-секин йўналиш бўйлаб кетган бўлар эди. Бу даврда дарёнинг бошланиш қисмида ҳаво исиб кетса, у ердаги музлар жуда тез эрий бошлайди ва бу катта миқдордаги сувни музлаб ётган дарё Ўзанидан Ўтказиш имкониятига эга бўлмай қолади. Натижада сув бутун ҳудудни босиб кетиши мумкин ва бунда ҳали тошдек қотиб ётган музларни сунъий равишида эритиш чора тадбирлари ёки уларни кучли портлашлар уюштириш йўли билан қўпориб сув Ўлини очишга тўғри келади.

Бунга 2001 йилги воқеаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Россия телевидениясининг ахборотига қараганда бу йилги тошқинлар Иркутск обlastига 9 млд рубл миқдорда зарар келтирган, Ёқутистонга етказилган зарар бундан бир неча марта катта эканлиги таъкидланмоқда. Ёқутистондаги баъзи қишлоқлар бутунлай вайрон бўлганлиги сабабли уларни бошқа жойга кўчириш ишлари олиб борилмоқда.

**Шамоллар, бўронлар ва уюрма бўронлар.** Шамоллар табиатнинг оддий ҳодисаси сифатида қаралади. Аммо улар кучайганда табиатнинг ҳақиқий оғатига айланади ва бу оғат минглаб одамларнинг умрига зомин бўлиши, уйларнинг томини ва хаттоки Ўзини ҳам яксон қилиши, автомобилларни ағдариб ташлаши, денгизлардаги кемаларни чўктириб юбориши, баъзи ҳолларда кучли тайфунлар бутун шаҳарларни вайрон қилиши ва келтириб чиқарадиган вайроналиклари билан зилзиладан қолишмайдиган табиий оғатлар сирасига киради. Улар катта кучдаги циклон сифатида табиатнинг асосий

ҳаракатлантирувчи кучи сифатида катта майдондаги антициклонлар теварағида вужудга келади.

Шамолларнинг тезлиги бўронлар даврида ниҳоятда катта тезликни хаттоки товуш тезлигидан ҳам ошиб кетиши мумкин (товуш тезлиги ҳавода  $331,8 \text{ м/с} = 1194 \text{ км/соатни ташкил қиласди}$ ). Маълумки бўронлар океанлар ва денгизлар бўйларида жойлашган минтақалар ва мамлакатларга катта зарар етказади.

Шамоллар кучи 1806 йилда Англиялик адмирал Бофорт томонидан таклиф

### 3-жадвал

Бал-лар	Тезлиги м/с		Шамол тав-сифи км/соат	Таъсир даражаси
0	0	0	0	Шамол бутунлай сезилмайди. Трубалардан чиқаётган тутун вертикал кўтарилимоқда
1.	0,9	3,,24	Тинч	Трубадан чиқаётган тутун қисман бир томонга огади
2	2,4	8,64	Енгил шабада	Одам юзига енгил шабада сезилади. Дарахтлар баргларида шитирлаш эшитилади.
3	4,4	15,84	Кучсиз шамол	Дарахтларнинг новдалари ва барглари тинмай ҳаракат қила бошлайди, Осиланган байроқлар хилпиради.
4	6,7	24,12	Ўртacha кучдаги	Дарахтларнинг ингичка новдвлри ва шохлари ҳаракатга келади. Шамол ердаги хашшакларни кўтариб тўзгитади.
5	9,3	33,48	Кучайган шамол	Ингичкарок дарахтларнинг таналари эгилабошлайди. Денгизларда кичик тўлқинлар пайдо бўлади ва сув юзида кўпиклар ҳосил бўлади.
6	12,3	43,3	Кучли шамол	Дарахтларнинг йўғонроқ шохлари ҳам тебранабошлайди. Телефон симлари гувиллаб овоз чиқаради. Денгизларда тўлқинлар катталашади.
7	13,5	55,8	Жуда кучли шамол	Дарахтларнинг таналари ҳаракатланабошлайди. Одамларнинг шамолга қарши юриши қийинлашади. Денгизларда кўпикли тўлқинлар пайдо бўлади
8	18,9	68,4	Ўта кучли шамол	Дарахтларнинг шохлари синабошлайди. Шамолга қарши юриш жуда қийинлашади. Денгизларда тўлқинлар баландлашади ва узунлашади.
9	22,6	79,4	Бўрон	Биноларнинг томлари ва баъзи жойлари емирилади. Дарахтлар эгилиб синиши бошланади. Денгиз кучли тўлқинланади. Тўлқинлар тўнтарила бошлайди.

10	26,4	95	Кучли бўрон	Биноларнинг кўпчилиги анчагина заарланади. Дараҳтлпр синади ёки илдизи билан юлиниб чиқади. Денгиз тўлқинлари жуда катталашиб кетади.
11	30,5	109,8	Жуда кучли бўрон	Биноларга жиддий зарар етади. Уйларнинг томлари учеб кетади. Тўлқинлар шунчалар каттаки Ўртacha хажмдаги кемалар кўринмай кетади.
12	34,8	122,28	Довул	Ҳамма нарсага катта зарар етказади. Ёғоч уйларни батомом бузади ёки уларни учирб кетади
13	39,2	144,6	Кучли довул	Ҳамма нарсага кучли зарар етказади
14	43,8	157,68	Жуда кучли довул	Йўлида учраган ҳамма нарсани бузиб юборади.
15,16, 17	48,6 53,3 58,6 ун- дан ортиқ	174,9 192,6 210,96 ундан ортиқ	Ўта кучли довул	Йўлида учраган ҳамма нарсани бузиб юборади.

қилинган 12 балли шкала бўйича белгиланар эди. 1946 йилда 12 нчи бал учун бўроннинг олтига бўлимни киритилди ва бу шкалага Хромов ва Момонтovlvr томонидан метр бирликларида аниқлик киритилди ва бу Бутун дунё оби-ҳаво хизмати ташкилотлари томонидан қабул қилинди.

Хозир шу шкаладан фойдаланилади ва у 3-жадвалда берилган.

Довуллар етказган заарларни аниқлаш инженерлик ҳисобларида бу шкала талабига жавоб бермайди. Атлантика океанида тезлиги 245,5 км/соатни ташкил қиласиган довуллар тез-тез бўлиб туради. Бундан катта тезликдагилари, яъни 402 км/соат ва хаттоки 644 км/соатга етган довуллар учраган. Уюрма ҳаракат ҳосил қилувчи бўронларнинг тезлиги товуш тезлигидан ошиб 1200 км/соатни ташкил қилгани маълум.

Уюрма довуллар(булар **циклонлар** деб аталади, тропик ва ички циклонларга бўлинади) бу ҳавода конуссимон айланма ҳаракат ҳосил қилиб, бу айланма ҳаракат шимолий районларда соат стрелкасига тескари ва жанубий районларда соат стрелкаси бўйича бўлади. Тропик бўлмаган кенгликларда пайдо бўлган ва ривожланаётган циклоннинг кенглиги бошланишида тахминан минг километрлар атрофида бўлса, ривожлангандан кейин унинг Ўрталарида бирнеча минг километрни ташкил қиласи ва шамол тезлиги 6-8 баллни ташкил қиласи. Шамол тезликлари Ўта кучли бўронлардан қутирган бўронларгача бўлиши мумкин. Тропик циклонлар тропик минтақаларда вужудга келиб, унинг Ўртacha кенглиги бир неча юз километрни ва баландлиги 6-15 км ни ташкил қилиши мумкин.

Циклоннинг марказида ҳаво босими ниҳоятда паст кучсиз шамол ва паст сузиб юрган булутлардан ташкил топади. Бу қалин булутлар билан Ўралган бўлади ва бу Ўрам қутурган бўрон тезлигига айланма ҳаракат қиласи. Ат-

лантика океанида ҳосил бўладиган тропик циклонлар “қутурган бўронлар” (ураган) ва Тинч океанидагилари “тўфонлар” (тайфунлар) деб юритилади.

Довул-шамолнинг кучи 12 баллга етади. Унинг тезлиги 32 м/сек дан ортиқ бўлади. У йўзида учраган ҳамма нарсани емириб бузиб юборадиган кучга эга. Довул кучини бир неча термоядро қуролининг портлаш кучига тенглаштириш мумкин. АҚШ гидрометеорология хизматининг 1900-1950 йиллардаги статистика маълумотларида кўрсатилишича, қутирган бўрон кинетик энергияси марказидан 160 км радиус бўйича 151-188 Мт ядро зарядининг портлаш қувватига teng бўлган. Халқ хўжалиги бинолари ва қурилишларига довулларнинг таъсири зилзилалар таъсиридан кам эмас. Бунда шуни ҳам айтиб йўтиш керакки, ер силкиниши 10 йилда бир марта бўлиши мумкин. Қутирган бўронлар йилига бир неча марта бўлади. Шунинг учун қутирган бўронлар табиатнинг энг катта қувватли кучи сифатида тан олинади.

**Тўфонлар.** Тинч океанида пайдо бўладиган ва кучи энг кучли довул кучидан қолишмайдиган ҳодиса бўлиб, кучли жалалар билан келади. У денгизда ниҳоятда катта тўлқинлар ҳосил қиласи ва бу тўлқинлар соҳилларга тошиб кетади ва яқин йўтадаги қишлоқларни сув босади ва бир неча районни қамраб олиши мумкин. Тўфонлар қуруқликка етиб келгандан кейин тезда сўнади. Унинг бошланиши ҳаво босимининг кескин пасайиши билан белгиланади.

Тўфонларнинг емириш ва бузиш кучи ниҳоятда катта бўлганлигини ҳисобга олиб, баъзи бир давлатларда уни йўрганиш ва башорат қилиш ишларини амалга ошириш учун маҳсус давлат ташкилотлари тузилган. Бундан ҳосил бўладиган энергия йнлаб ядро зарядлари портлашидан ҳосил бўладиган энергияга teng бўлади. Тўфонлар Япония, Хитой ва АҚШ худудларида тез-тез бўлиб туради (йилига 120 мартағача).

Кучли бўронлар Бофорт шкаласи бўйича 9-11 баллни ташкил қиласи. Улар сувда кучли тўлқинлар ҳосил қиласи, қуруқликда бирмунча уйжойларни бузади, дараҳтларни синдиради ва қурилиш кранларини ағдариб юборади ва ҳ. к.

**Бўронлар.** Кучли бўронлар ва довулларнинг қуруқликдаги тури бўлиб, уюрма ҳаракат қилувчи ва чанг тўзон кўтарувчи турларга бўлинади. Улар қора, қизил, сарик-қизил, оқ, чанг, қум ва қор бўронларига бўлинади. Ер шарининг турли бурчакларида улар турлича номланади (масалан Ўзбекистон жанубий районларида афғон бўрони деб юритилади). Бўронлар тезлиги 20-30 м/сек га боради. Бу бўронларнинг йўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг ҳавосининг нисбий намлиги жуда паст бўлганлиги сабабли, ерни қуритиб уни эррозияга учрашга олиб келади ва бундай бўронлар бўлиб турадиган жойларга экилган экинларнинг уруғларини тупроқ билан бирга учирив кетади ва ёки униб чиққан экинларнинг илдизи очилиб қолганлиги учун ҳеч қандай ҳосил олишга умидни йўққа чиқаради.

**Үюрма бўронлар.** Момақалдириқ ҳосил қилувчи булутлар пайдо бўлганда пастдан юқорига қараб йўналган баҳайбат енгсимон ёки хартумсимон ҳаво ҳаракати пайдо бўлади, унинг маркази сийраклаштирилган ҳаво босимиға эга бўлади ва у ер юзасига яқинлашганда унинг асоси 30 м ва баландлиги 800-1500 м бўлган баҳайбат айланувчи воронкага Ўхшаш ҳаво ҳаракати вужудга келади ва 40-60 км масофага ҳаракатланиб боради. Унинг марказидаги босимнинг сийраклашиши шундай каттаки, унинг йўлида учраган қурилмалар Ўз ички босимлари натижасида портлаб кетиши мумкин.

Уюрма бўронлар ҳайрон қоларли даражада катта ҳаво ҳаракати тезлигига эга бўлади, баъзи ҳолларда унинг тезлиги товуш тезлигидан ҳам ошиб кетиши мумкин. Унинг сўриш кучи шундай каттаки, йўлида учраган биноларни Ўз йўқи бўйлаб айлантириб юбориши, дарахтларни илдизи билан суғириб олиши, бинолар томини олиб кетиши мумкин. Йўлида учраб қолган нарсаларни, хаттоки ҳайвонлар ва одамларни ҳам бир неча километр масофага кўчириб бориши мумкин. Йўлида учраган сув ҳавзалари ва кўлларни сувини ва ундаги Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бутунлай сўриб олиб, жуда катта масофаларга элтиб ташлаши мумкин, баъзи нарсалар бирнече муддат Ўтгандан кейин ёмғир билан бирга ёғиши мумкин.

Уюрма бўронларнинг вертикаль кўтариладиган турлари ҳам бўлади. Улар юқорида айтиб Ўтилганидан фарқи шуки биринчиси момақалдириқли булутлардан ҳосил бўлса, буниси бутунлай булутсиз очиқ ҳавода ҳам пайдо бўлади ва бутунлай мустақил пастдан тепага қараб ҳаракатланабошлайди. Уларнинг сўриб кўтариб кетаётган нарсасининг турига қараб чангли, қумли, оловли ва орли турлари бўлади.

Довуллар, бўронлар ва уюрма бўронлар оқибатларини тугатишда қуидаги ишларни бажарилади: табиий оғат юз берган районга олиб борила-диган йўллар ва кўприклар тузатилади; ундан кейин инженерлик қутқариш ишлари амалга оширилади бунда босиб қолган ва бузилиб тушган вайроналар орасидан жабрланганларни қутқазиб олади, ёнғинларни Ўчиради, жабрланганларга сув, озиқ-овқат ва кийим бошлар билан таъминлайди. Ундан кейин бузилган жойларни тартибга келтириш ортиқча нарсалардан тозалаш, бузилган жойлар орасидаги йўллар тикланади. Бўронлар таъсиридан зарарланган бинолар аниқланади. Бўрон келтириб чиқарган тепалар ва бошқа қурилиш конструкциялари бўлакларидан Ўтадиган йўллар тикланади. Тураг жойлар, корхоналар ва сув билан таъминлаш воситалари, складлар ва бошқа ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган обьектлар текширилиб, яроқлилиги аниқланади. Электр таъминоти ва алоқа воситалари тикланади, коммунал – хўжалик обьектларининг ишлаш имконияти тикланади. Ишдан чиқсан ва йиқилиши мумкин бўлган бинолар бузиб ташланади. Ундан кейин кундалик ҳаёт фаолиятини тиклашга қаратилган ишлар бажарилади.

Бўронларнинг қандай ҳили бўлишидан қатъий назар улардан асосан ахолини, уй ҳайвонларини ва моддий бойликларни сақлаб қолиш қутқарувчиларнинг ва бошқа фавқулодда ҳодисалар соҳасида ишловчилар-

нинг асосий ва бош вазифаси ҳисобланади. Аҳолини бу каби табиий оғатлардан сақлашнинг асосий имконияти уларни бу хавфдан хабардор қилиш ва имкон борича уларни хавфсиз олдиндан тайёрланган жойларга юбориш, мустаҳкам қурилган подвал ва ертўлаларда сақланиш кераклигини олдиндан тайинлаш керак бўлади. Бўронлар бўлишини олдиндан айтиб бериш ҳозирги замон оби-ҳаво хизмати ходимларининг қўлидан келади. Бунинг учун ернинг суний йўлдошлари орқали олинган маълумотлар ҳам буларнинг аниқ ишлаш имкониятини беради.

#### 4. МЎМАҚАЛДИРОҚ, ЧАҚМОҚ, ДЎЛ, ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА БОШҚА ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ

**Момақалдироқ-қуюқ** ёмғир булутлари ва булутлар билан ер Ўртасида ҳосил бўладиган катта электр зарядларининг тўқиниши натижасида йўқолиши чақмоқ чақиб, гулдираш билан Ўтадиган табиат ҳодисаси ҳисобланади. Бунда кучли жала қувиши кузатилади, кўпинча дўл ёғиши мумкин, бунда шамолнинг катта куч билан эсиши бўрон, қутирган бўрон ва айланма бўронларни ҳосил қиласиди, булар сув тошқинларига ва селлар келишига сабабчи бўлади. Момақалдироқлар пайдо бўлиши биринчидан қуруқликлар устида сузаётган булутлар ва ер Ўртасида конвекция асосида, кўпинча пешиндан кейинги вақтларда ва иккинчиси атмосфера фронтларининг иссиқ ва совуқ фронтлар қўшилган вақтда, аксарият кечалари ҳосил бўлиши мумкин. Бунинг биринчисини масса ичкарисида ҳосил бўладиган иккинчисини булутлар қўшилишидан ҳосил бўлганлари фронтал момақалдироқлар деб юритилади.

Момақалдироқлар 7-15 км баландликда йиғилган қуюқ булутлар қатламида, унинг ҳарорати  $-15\text{-}20^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлган ҳолатда вужудга кела-ди. Бу булутлар ниҳоятда совиган томчилар ва муз кристалларидан ташкил топган бўлади. Момақалдироқ ҳосил қилувчи булутларда жамланган потенциал энергия  $10^{13}\text{-}10^{14}$  Ж ни, яъни мегатоннали термоядро портлашидан ҳосил бўладиган энергияга teng бўлади. Чақмоқлар чақишини таъминлаётган булутларда йиғилган электр зарядлари 10-100 Кл га teng бўлиб 1-10 км масофага чўзилган бўлади ва бу зарядлар ҳосил қилган ток кучи 10-100 А га боради. Момақалдироқ ҳосил қилувчи булут марказидаги электр кучланиши  $(1\text{-}3)\times10^5$  В/м дан ҳам ортиқ бўлиб, булутнинг электр Ўтказувчанлиги, атрофдаги атмосферага нисбатан 100 марта катта бўлади.

**Чақмоқлар** – атмосферада бўладиган улкан ёйсимон электр разрядларининг йўқолиш ҳодисаси бўлиб бўлиб, одатда ёрқин чақнаш нури сифатида кўринади ва момақалдироқ билан якунланади. Чақмоқлар одатда қуюқ булутлар қатламида баъзида эса ёмғирли қатламли булутларда, шунингдек вулқонлар отилганда, айланма (торнадо) ва қутурган тўзонли бўронлар вақтида пайдо бўлади. Одатда кўпроқ чизиқли чақмоқлар кузатилади ва уларнинг узунлиги баъзан бирнече юз метрдан ошиб кетади. Чақмоқлар бу-

лутлар ичидә бўлса уни булат ичидаги ва ерга урилиши мумкин, буни ердаги чақмоқлар деб юритилади.

Чақмоқлар пайдо бўлиши бирнеча босқичдан иборат бўлади. Чақмоқ ҳосил қилувчи булат ерга яқинлашганда унинг четларида кучланиш кучая-бошлиди ва унинг таъсирида ердаги жихозлар ва ускуналарда унга жавобан қарама-қарши зарядга эга бўлган стример яъни электр зарядлари занжири пайдо бўлади. Чақмоқнинг бу хусусиятидан яшинқайтаргичларни Ўрнатишда фойдаланилади.

Чақмоқлар бирнеча минг ампер ток кучига,  $10^8$  м/сек тезликка ва  $25000$  °C ҳароратга ва бу секунднинг юздан бирича вақт давомида Ўтиши билан тавсифланади.

Табиатда шарсимон чақмоқлар ҳам кузатилади, аммо унинг хусусиятлари ва келиб чиқиши мазмуни Ўрганилган эмас. Бу чизиқли чақмоқ чаққандан кейин пайдо бўладиган шар шаклидаги ёруғлик тарқатувчи сфероиддан ташкил топган бўлиб, жуда катта солиштирма энергияга эга бўлади. Пайдо бўлиш даври бирнеча секунддан бир минутгача, йЎқолиши кучли портлаш билан Ўтади ва бунинг натижасида бирмунча вайроналиклар кузатилиши мумкин.

Чизиқли ва шарсимон чақмоқлар Ўзининг кучига қараб катта миқдорда зарап келтириши ва одамларнинг Ўлимига сабабчи бўлиши мумкин. Бунда унинг иссиқлик таъсири ва электродинамик таъсири биноларни бузилишига ва ёниб кетишига олиб келиши билан бирга унинг электромагнит ва ёруғлик нурлари таъсири ҳам кузатилади.

Чақмоқнинг ердаги обьектларга урилиши катта вайронагарчиликларга сабабчи бўлиши мумкин. Агар ердаги чақмоқ тушган обьектда ток Ўтказувчи қисмлар йЎқ бўлса унда электр таъсирида ингичка каналлар ҳосил бўлади ва улардан чақмоқ ҳосил қилувчи ток Ўзга ерга Ўтиш йЎли излайди. Нихоятда катта ҳарорат пайдо бўлганлигидан бу материалнинг маълум қисми буғланиб кетади ва бу портлаш келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бу обьекнинг парчаланишига ва унинг ёнувчи қисмларининг ёниб кетишига сабабчи бўлади. Бунда шунингдек айрим материалларда потенциалларнинг зарядлари қарама-қарши бўлганлиги сабабли унинг ичидә бўлган ёнувчи жихозларнинг ёниб кетиши натижасида ёнғинлар чиқиши ва у ераги одамлар электр токи таъсирiga тушиб қолишлари мумкин.

Кўпинча чақмоқлар атрофдаги курилишлардан баландроқ курилган обьектга масалан ток Ўтказмайдиган материалдан тикланга тутун чиқариш воситаларига ёнғинга қарши қурилган депо башнясига ёки атрофида курилишлар бўлмасдан очиқ жойларда айрим турган биноларга тушиши мумкин. Жуда баланд обьектлар, масалан телевизор башняларига чақмоқ унинг учига эмас балки бирмунча пастки нуктасига тушади, буни бу обьектлар Ўз атрофига тўплаган зарядлар таъсири сифатида кўрсатиш мумкин.

Чақмоқнинг ёғоч асосларга Ўрнатилган алоқа воситаларига тушиши жуда хавфли хисобланади. Катта амплетудага эга бўлган электр зарядлари алоқа

симларига Ўтиши уларнинг Ўтказгич симлар орқали тез тарқалишига олиб клади ва бу симларга уланган радио карнайлари, алоқа воситалари ва аппаратураларнинг бузилиши ва улар орқали ерга Ўтиши натижасида кутилмаган ердан ёнгин чиқиши ва кутилмагандага алоқа воситаларидан фойдаланаётган одамларни электр таъсирига тушиб қолишига сабабчи бўлади. Чақмоқнинг катта қувватдаги электр Ўтказиш линияларига тушиши электр зарядларининг ерга уриб кетишига, шу-нингдек электр Ўтказгичлар Ўрдасида бир бирига нисбатан ёйсимон тўқиниш пайдо бўлиши симлардаги токнинг автоматик Ўчириб қўйилишига олиб келади, баъзи ҳолларда электр симларининг кучли кучланишни кўтараолмасдан эриб узилиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Кучайган кучланишдаги электр токи станция ва подстанцияларга етиб келиб машина ва аппаратларда изоляцияларни емириши натижасида уларни одам учун хавфли омилга айлантириши мумкин.

Дўл-табиатда ёғадиган ёғинлардан бири ҳисобланади ва табиий оғатларнинг энг хавфлилари қаторида турди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва шунингдек бошқа Ўрта Осиёда жойлашган бошқа давлатлар ҳудудида ҳам дўл асосан баҳор ойларининг охири ва ёз ойларининг бошларида ёғиши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг заарли таъсири ниҳоятда сезиларли бўлади, чунки бу вақтларда эртанги экинлар етилган ва кечкилари экилиб униб чиқсан вақт бўлади. Дўл 5 мм дан 55 мм гача катталикдаги муз парчаларидан иборат бўлганлиги учун (баъзи ҳолларда дўлнинг катталиги 130 мм ва оғирлиги 1 кг атрофида бўлган дўллар ёққанлиги маълум) экилган экинларнинг ҳаммасини, дараҳтларнинг барглари, мевалари ва хаттоки майда шохларини синдириб вайрон қилиб юборади.

Дўлга қарши курашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган. Бунинг учун ҳозирги замонда мавжуд бўлган махсус техникалар ёрдамида булутларнинг энг совуқ қатламларига махсус реагентлар билан таъсир қўрсатилади. Бу билан уларнинг томчиларга айланмасдан музлашига эришилади ва бу ниҳоятда майда муз парчаларини ҳосил бўлишига олиб келади ва улар атмосферанинг иссиқ қатламларига киргандан кейин эриб сувга айланади ёки майдашган муз парчалари дўл зарбини бирмунча юмшатишга олиб келади. Бу усул етарли даражада самарали усул ҳисоблансада лекин у ниҳоятда ҳимматга тушканлиги учун ва ҳамма давлатлар ҳам булутларга реагент сепиш технологиясини Ўзлаштириб улгурмаганлигини ҳисобга олиб бу усулни келажакда қўлланилиши мумкин бўлган усул сифатида келтириб Ўтилди.

**Курғоқчилик**-Ўзбекистон Республикаси деярли ҳамма ҳудудлари учун курсоқчилик хавфи доимо мавжуд бўлган ва ҳозирги кунда ҳам бундай оғат Республикамизнинг бирнеча вилоятларига таҳдид солмоқда. Курғоқчиликнинг баҳорги, ёзги ва кузги турлари бўлади.

Курғоқчиликнинг боҳорги тури узоқ вақт давомида ёмғир ёғмаслиги ва баҳорнинг ниҳоятда иссиқ келиши натижасида ерда айниқса суғорилмайдиган лалмикор ерларда ернинг суви қочиши ва қуриб кетиши на-

тижасида экилган экинлар қуриб қолади ва у ердан хаттоки хашак олиш имконияти ҳам йўқолади.

Республикамизда қурғоқчиликка қарши курашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган. Буни биздаги суғориладиган ерларни кўпайиб бораётганлигидан ва баъзибир ҳудудларда қурғоқчилик сезиларли зарар етказиши мумкин бўлган ҳудудларда ер ости сувларидан фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий этилган ва этилаётган сув йифиш иншоатлари ва сув йифиш ҳавзалари қишлоқ хўжалигида узулишлар бўлмаслигини таъминлаши мумкин.

Ҳозирги кунда қурғоқчиликдан Орол бўйида жойлашган ҳудудлар азият чекмоқда. У ердаги одамларни ичимлик суви ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда ва бу тез кунда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар қаторида турибти.

Табиат оғатларидан бири деб саналадиган фавқулодда ҳодисалардан яна бири баҳор ва куз ойларида қуннинг кескин совиб кетишини ҳам киритиш мумкин. Кузги ҳавонинг кескин совуб кетиши экилган экинларни сарамжонлаб олиш имкониятидан маҳрум қилиши мумкин.

**Тоғли ҳудудларда Ўпирилишлар, силжишлар ва сел оқимлари.** Тоғли районларда Ўпирилиб тушиш, қор ваер Ўпирилиши натижасида маълум жойларни босиб қолиши ва тоғдаги баъзибир тепаликлар Ўз-Ўзидан сурилиб силжиб кетиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бундай воқиалар агар йирик Ўпирилишлар бўлса у автомобил Ўлларини, темир йқлларни, агар аҳоли яшайдиган қишлоқлар ва турар жойлар яқин бўлса уларни босиб қолиши, Ўрмонларни вайрон қилиши ва сув Ўлларини тўсиб қўйиши натижасида бирнече кун ёки ой давомида йифилган сув кейин Ўзига Ўл очиб олгандан кейин яқин жойлашган жойларни сув босиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак бундай ҳодисалар масштаби катта ва натижаси ҳалокатли бўйлиши мумкинлиги кўриниб турибти.

Бундай ҳодисалар тоғларда 7 ва ундан катта баллдаги зилзилалар оқибатида тик қояларгина эмас балки тик тепаликлар уларнинг горизонт билан бўлган бурчаги  $45-50^{\circ}$  ни ташкил қилган бўлса, Ўпирилиб кетиши кузатилган. Масалан, 1911 йилда Помирда кузатилган кучли зилзила натижасида Ўпирилган қоя Мурғоб дарёсини тўсиб қўйган ва унда ҳосил бўлган Сарез кўлининг суви 500 м га кўтарилиган. Тоғларда сел келиши энг ҳавфли табиий оғатлардан бири ҳисобланади. Селлар Ўз йўлидаги тошлар тупроқлар ва бошқа нарсаларни ювига оқизиб кетганлиги сабабли уларнинг миқдори ва таъсир кучи янада ортиб кетади. Тоғ қиялиги уларга тезликни таъминлашга ёрдам беради. Тоғ қиялиги қанча катта бўлса унинг тезлик кучи шунча катта бўлади. Агар мабодо сел қояларни боғнинг баланд чўққиларидан ювига тушиш имкониятига эга бўлса, унинг Ўлида учраган, хаттоки кичикроқ қояларни ҳам Ўрнидан қўзғатиб ёки қўпориб олиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатлар транспорт коммуникациялари ва аҳоли яшаш жойларида нихоятда катта зарар етказади.

Агар тоғларда кучли ёмғир ёғаётган бўлса, яна кунлар иссиқ бўлиб қорлар ҳам эриб қўшилса, унда тог тепаларида сув тўпланиши вужудга келади ва бу тоғларни сув босишига олиб келади. Бунда тоғларнинг юқори қисмида бўлган ва қоялар билан Ўралган ва кўп жойлари муз билан Ўралган текисликларни йиғилган сув тўлдиради ва бундан муз билан Ўралган кўллар ҳосил бўлиши мумкин. Агар кунлар яна совиб кетса бу кўллар музлаб заарасиз ҳолга келиши мумкин. Агар мабодо кун исиб сувларни ушлаб турган муз қатлами эриб кетса унда фалокатли сув оқими вужудга келади ва бир неча вақтдан буён йиғилиб ётган сув водийларга қараб йўналиши ва селлар билан қўшилиб фалокатли сув ва сел оқимларига айланиши мумкин. Бундай музларнинг эриб муз кўллари ҳосил қилган ҳолатлар учраб туради ва улар мореналари деб аталади.

Сел оқимлари пайдо бўлиши мумкин бўлган районлар Қозоғистонда, Кавказ орти мамлакатларида, Кримда, Олтой Ўлкасида, Ўрта Осиё, Карпат орти ва шарқий Сибир ва бошқа кўплаб мамлакатларда тез-тез бўлиб туради.

Қадимда селлар ҳақиқатдан ҳам жуда катта заар етказган. Ҳозирги вақтда бундай селларнинг заарли мавқеи бирмунча пасайди. Чунки ҳозирги вақтда, айниқса Ўрта Осиё давлатларида деярли ҳамма сел келиши мумкин бўлган худудларда унинг водийларга заар етказмайдиган тартибда маҳсус сув йиғиш омборлари, сув йўлини тўсувчи тўғонлар, дамбалар ва сувнинг миқдорини чеклашга мЎлжалланган сув Ўтказиш воситалари курилган. Тоғ ён бағриларига эса сел ювиши мумкин бўлган тепаликларни дараҳтлар экиб сув йўлида унинг ювиб кетиши мумкин бўлган тупроқлар мустаҳкамланмоқда ва шунинг учун ихота дараҳтзорлари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари сел келганда унинг зарарини камайтириш мақсадида янги сунъий каналлар ёрдамида уни маҳсус сув омборларига юбориши чоралари кўрилмоқдаки, буларнинг ижобий натижа бериши табиий.

Аммо бу ишларни амалга ошириш жуда катта моддий маблағлар билан бирга катта миқдордаги ишли кучлари бўлишини талаб қиласиди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси худудидаги кўплаб сел келиш Ўллари тўсилган ва хавфли участкалар хавфсизлик чора-тадбирлари билан таъминланган бўлишидан қатъий назар, табиатнинг шунаقا инжиқликлари бўладики, у кутилмаган бошқа бирор ердан хавфсиз деб Ўйлаб юрилган жойда тўсатдан хавф пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда фавқулодда ҳодисалар ҳодимларининг биринчи вазифаси у ердаги сел ювиб кетиши мумкин бўлган жойларда дамбалар ва тўсиқлар ташкил қилиш ва табиий тўсиқларни мустаҳкамлаш, селларнинг оқимлари аҳоли яшаш жойларига етиб бормаслигини таъминловчи чора-тадбирларни амалга оширишлари керак. Ундан кейин сел оқибатларини тугатишга қаратилган ишларни бажарадилар.

Жойлардаги ҳокимлик органлари томонидан ташкил қилинадиган табиий оғатларга қарши кураш комиссияси илмий муассасалар билан ҳамкорликда бўлиши мумкин бўлган сел хавфини олдиндан белгилаш ва унинг

ҳаракатланиши мумкин бўлган йўларини аниқлаш, буни ўша жойлардаги аҳолини хабардор қилиш ва шунинг билан бирга агар аҳоли кўчирилиши кўзда тутилган бўлса аҳолини кўчиш учун йиғилиш жойларини белгилаш ва уни аҳолига маълум қилиш, кўчириш учун керак бўладиган транспорт воситаларини тайёрлаш ва уларнинг тўпланиш жойларидан аҳолини хабардор қилиш вазифалари қўйилади.

Худди шу сел хавфи билан биргаликда тоғлардаги йўпирилишлар тоғ тепаликларининг сурилиши қояларнинг ағдарилиб тушиш воқеалари ҳам селнинг умумий оқибатларининг бир қисми саналади. Бу табиий оғатлар оқибатларини тугатишда биринчи навбатда одамлар ва уй ҳайвонларини хавфли жойдан олиб чиқиб кетиш керак. Ундан кейин инженерлик кутқариш ишлари бошланади ва бунда бузилган вайрон бўлган уйларнинг ичидаги жабрланганлар кутқарилади, босиб қолган бинолар ичida қолиб кетганлар техникалар ёрдамида излаб топилади. Шундан кейин жабрланганлар ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари, шу-нингдек кийим-бош билан таъминланади. Ундан кейинги вазифа-автомобилларнинг келиш йўллари ва мавжуд бўлса темир йўллар ҳолати тикланади. Кейинги ишлар сирасига босиб қолиши, йиқилиб зарар келтириши мукин бўлган бинолар бузиб ташланади, кўчаларни тўсиб қўйган, бузилиб кетган қурилиш конструкциялари суриб четга чиқариб ташланади ва ичкари томонларга ўтиш мумкин бўлган йўллар тартибга келтирилади. Коммунал хЎжалик ишлари ва энергиянинг вақтинча таъминоти тикланади.

Кейинги қилиниши керак бўлган ишлар сирасига баҳтсизлик юз берган ра-йонда соғ қолган обьектлар ва турар жойларнинг умумий аҳволи кўздан кечирилади. Одамлар ҳаётига кейинчалак бузилиши натижасида зарар етказиши мумкин бўлган бинолар, яъни бир томони йўпирилиб кетган ёки фундаментининг бир томони чўккан ва баъзи бир нотабий қийшайган бинолар бутунлай бузиб ташланади. Қолганлари ичдан яроқлилари ва бирмунча мустаҳкамлаш воситаларини қўллаш йўли билан тартибга келтириш имконияти бўлган биноларни тартибга келтирилиб аҳолининг маълум қисмини шу ердаги уй-жой билан таъминланади, қолганлари эса вақтинча палатка ва вагончаларга жойлаштирилади ва уларда ҳаёт фаолияти олиб бориш имкониятини берадиган воситалар билан таъминланади. Булар электр, газ, сувва озиқ-овқат билан таъминлаш масалалари ҳал қилинади. Шунингдек шу худудда жойлашган ишлаб чиқариш саноат корхоналарининг ишлатиш имкониятлари кўриб чиқилади ва уларни ишлатиш имконияти бўлса у ердагиларни иш билан таъминлаш масалалари ҳал қилинади.

**Қор босиши ва қор кўчишлар.** Ўзбекистон Республикаси худудида бирмунча тоғли районлар мавжудлигини айтиб йўтган эдик. Бу районларда кучли кучли қор бўронлари бўлиб туради. Ҳозирги вақтда темир йўллар ва автомобил йўлларини Республикализ вилоятларини бир-бирлари билан алоқасини мустаҳкамлаш ва йўл чиқимларини камайтириш мақсадида, йўлларни Ўз ерларимиз орқали бошқа давлатлар худудини кесмасдан

Ўтказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунда кўпина йўллар тоғлар оша ўтганлиги сабабли бу йўлларни қор бўронлари ва қор кўчкиласидан ҳимоя қилиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Бундай ҳолларда автомобил ва темир йўлларида хавфсизликни таъминлаш икки усулда олиб борилади. Биринчиси олдиндан тайёргарлик кўрилиб қор босиши мумкин бўлган жойларга қордан тўсиш воситалари Ўрнатилади ва иккинчиси маҳсус қорни вақтида тозалаб туриш хизмати ташкил қилинади. Бунда қор курашнинг замонавий усулларидан: тракторлардан, автомобиллардан ва бошқа кучлироқ воситалардан фойдаланилади.

Кор бўронлари Ўзбекитон худудида жуда катта фалокатларга олиб кела-диган табиий офат ҳисобланмайди. Тоғлардаги қор кўчиш ҳодисаси хавфлироқ офат ҳисобланади. Қор кўчиши асосан тоғ ён бағриларида қияликлар 45 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда Ўор кўп ёғиши ҳисобига чўққиларда пайдо бўлган қорнинг пастга қараб силжиши тик қияликларда жуда даҳшатли тус олади яъни йўлидаги ҳамма қор тўпламларини ва унинг остида бўлган бўшроқ ҳолатда бўлган тошларни ҳам кўчириб ниҳоятда катта хажмга эга бўлган масса сифатида қўйига қараб ҳаракатланабошлайди ва унинг ҳаракат тезлиги 90-100 км/соатни ташкил қиласиди. Унинг оғирлиги ва хажми катталалиб кетганлиги сабабли, (баъзибир унча катта бўлмаган кўчкиласидан хажми 20 минг м<sup>3</sup> бўлиши аниқланган, хаттоқи Кавказдаги Очапари дарёси водийсида хажми 2500 минг м<sup>3</sup> хажмдаги кўчки бўлганлиги қайд қилинган), йўлида учраган ҳарқандай нарсани войрон қилиб юборади.

Уларга қарши курашнинг улар йўлига тўсиқлар қўйишдан ташқари қорнинг кўчки ҳосил қилувчи чўққиларда кўпайиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Бунга Ўт очар қуроллар масалан тўплар ёрдамида суний кўчкиласидан ҳосил қилиш йўли билан кўчкини олдини олинади.

## 5. ОДАМЛАР, ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАРДА ТАРҚАЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ КЎПАЙИБ КЕТИШИ

Одамлар Ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалиб кетиши ва унинг натижасида бирнечча Ўнлаб ва хаттоқи юзлаб одамларнинг бирхил касаллик билан оғриши эпидемия деб юритилади. Худди шундай ҳол ҳайвонларда учраса уни-эпизоотия ва Ўсимликларнинг касалланиши-эпифитотия дейилади. Эпидемия ва эпизоотиялар ҳақиқий табиий офатлар сифатида қайд қилинади. Буни эпифитотия тўғрисида ҳам айтиш мумкин ва шунингдек зааркунандарнинг бирдан хаддан ташқари кўпайиб кетиши ҳам анча хавфли табиий офатлар сирасига киради. Буларни пайдо қилувчилари бактериялар, вируслар ва микроблар ҳисобланади.

Эпидемиялар юқимли касалликларнинг пайдо бўлган жойидан ҳар хил восита ва йўллар билан кенг тарқалиб кетадиган касаллик тури ҳисобланади. Унинг тарқалишига сабаб бўладиган омиллар бирқанча бўлиб уларнинг асосийлари: одамларнинг яшаш шароити, юқумли касалликларга берилувчаниги, аҳолининг умумий турмуш маданияти, юқумли касалликларга қарши даволаш-олдини олиш ишларининг олиб борилиш ҳолати, йилнинг фасли ва яна кўпгина омиллар бор. Касал тарқатувчи микробларнинг асосий Ўзига хос хусусияти касал одамдан соғ одамга тезда Ўтиш ва бу билан унда бу касалликни келтириб чиқариш ва бунинг натижасида касаллик умумий аҳоли касаллигига айланиб қолади. Касаллик ривожланаётган даврда сезилмайди, ташқи муҳитда унинг борлигини аниқлаш қийин, касалга ташхиз қўйиш жараёни чўзилади, баъзибир микробларнинг озиқ-овқат маҳсулотларида, сувда, тупроқда ва баъзибир нарсаларда, масалан кийимда ва хашоратлар организмида узоқ вақт сақланиб туриши унинг хавфлилик даражасини оширади.

Баъзибир юқумли касалликлар одамларга хос бўлади, масалан вабо, чечак, ич терлама ва Ўлат касалликлари. Баъзибирлари ҳайвонларга ҳам Ўтади, масалан шохли қорамоллар Ўлати ва чўчқалар Ўлати ҳам мавжуд.

Одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган юқимли касалликлар ҳам бор, масалан, сибир яраси, оқсил ва туляремия ва бошқалар.

Касалларнинг юқиши йўллари ҳам ҳархил: касал заарлаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув орқали; нафас олиш йўллари орқали; заарланган нарсаларга тегиб кетиш ёки ишлатиш; касал одам билан мулоқатда бўлиш; касалларнинг ташувчиси бўлган хашоратлар ва каналар чақиши орқали. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу мироб ва бактерияларнинг жуда оз миқдори ҳам касалликни келтириб чиқаришнинг омили бўлаолади. Касалликнинг Ўчофи пайдо бўлган худуд бу ерга кирувчилар учун касаллик юқиши билан хавф солса, бу ердан чиқувчилар учун бу касалликни бошқа худудларга ҳам ёйиб юбориши билан катта хавф тугдиради. Бундай жойлар учун карантин ёки обсервация ташкил қилинади.

Карантин белгиланган жойга у ердаги одамларнинг чиқиши ва у ерга ташқаридан одамларнинг кириши бутунлай тақиқланади. Унинг атрофига бу ерда белгиланган чора-тадбирлар тўла тўқис амалга оширилаётганлигини кузатувчи санитария-эпидималогия хизмати одамлари бириктирилади шунингдек ташқаридан бу ерга одамларнинг киришини тақиқловчи соқчилар қўйилади. Шунингдек у ердан бирор-бир нарсани олиб чиқиб кетиш ҳам тақиқланади. Бу ерда яшаётганларни моддий таъминлаш масалалари тиббиёт ходимларининг назорати билан амалга оширилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш маҳсус ажратилган ва рухсат этилган жойлар орқали амалга оширилади.

Обсервация эса, карантиннинг бўшаштирилганроқ тури ҳисобланиб, уни инфекция қўзғатган микроб ва бактериялар унча хавфли бўлмаган аммо маълум даражада оғир бўлмасада ҳарқалай касаллик кўпайиб кетган худудлар учун қўлланилади. Бунда у ерга кириш ва чиқиш бутунлай

тақиқланмасдан, балки кириб чиқучилар сони қисқарған ёки бу инфекцияга чалиниб, унга қарши ҳимоя воситасига эга бўлган кишиларнинг киришига рухсат этилади.

Карантин ва обсервация элон қилиш ва уни бекор қилиш жойлардаги ҳокимиятлар зиммасига юкланди.

Эпизоотия-бу баъзибир худудларда, хаттоқи баъзибир мамлакатларда ҳайвонларнинг касалланиши билан боғлиқ бўлган воқиа ҳисобланади. Яқинда Буюкбританиянинг кўпчилик районларида кузатилган оқсил касаллигини келтириб йтиш мумкин. Матбуотда эълон қилинган хабарларга кўра у ерда бу касалликдан ҳайвонларнинг айниқса йирик шохли ҳайвонларнинг қирилиб кетганлиги сабабли Англия иқтисодига ниҳоятда катта зарар етканлиги маълум қилинди. Бундай ҳолларда ҳам касаллик тарқалган худудга карантин жорий қилинади. Бунда факат ҳайвонлар ва гўшт маҳсулотларини у худуддан бошқа худудга олиб чиқиш тақиқланади ва санитария ходимлари томонидан назорат қилинади. Карантин белгиланган жойга одамларнинг ва транспорт воситаларининг кириши чекланади, бунда улар маҳсус заарсизлантириш воситалари орқали йтишлари, транспорт воситалари эса, маҳсус заарсизлантириш дорилари билан ишлов берилгандан кейин йтишларни эслатиб йтиш керакки Англиядаги оқсилдан заарланган моллар ёки башлангани учун катта микдорни ташкил қилмаган. Бунда кўрилган зарар Англия моллари гўштини дунё бозорига йтишмаганлигидан кўрилган зарар, яъни карантиндан кўрилган зарар кўпроқ ва салмоқлироқ бўлганини эслатиб йтиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларига чигирткалар ёпирилиши, колорадо қўнғизларининг кўпайиб кетиши ҳам жиддий зарар етказади. Буни қанчалик хавфли эканлигини тушиниш учун ҳозирги кунда матбуотда эълон қилинган хабарларга кўра Дофистон Республикаси худудининг жанубий чегараларида ёпирилган чигирткани мисол тариқасида келтириш мумкин.

Эпифитотия, Ўсимликлар касаллиги ҳисобланиб, асосан маданий экинларни заарлайди. Бизнинг Республикамизда ҳозирги дон мустаққиллигига эришилган вақтда дон майдонларининг кўпайиши билан бирга уларнинг энг заарли касаллиги занг касаллигига чалиниш имкониятлари ҳам ошди. Занг касаллиги буғдой далаларига ораласа, унинг 40-70% ҳосилини нобуд қилиши аниқланган. Гуручнинг пирокулириоз касаллиги шоли ҳосилини 90% гача микдорини нобуд қилиши мумкин.

Экин экилган ерлардаги бегона Ўтларнинг зарари ҳам касалликлар зараридан қолишмайди. Буларга қарши кураш воситаси сифатида ишлатиладиган кимёвий воситалар-гербецидлар, дефолянтлар ва бошқалар аслида бегона Ўтларни Ўлдириш учун ишлатилсада, унинг меъёрини билмаслик уни ҳам Ўсимликлар ва экинлар кушандасига айлантириши мумкин.

Хавфлилик даражаси юқори бўлган баъзибир оғатларнинг қиёсий тавсифи 4-жадвалда келтирилган. Зилзилаларнинг ҳалқаро шкала бўйича синфла-

ри 5-жадвалда кҮрсатилган. Биноларнинг зилзилага бардошлилик синфлари ни 6-жадвалдан кҮриш мумкин.

#### 4-жадвал

Табиий оғатнинг номи	Етказадиган зарари	Табиий оғат Ўчоғининг катталиги	Пайдо бўлиш частотаси	Энергиясининг ядро эквиваленти (0,2 Мт куч бирлигига).	Ҳаёт фаолиятига таъсир тавсифи	1947-1970 йилларда ҳалок бўлганлар сони
Зилзилалар	Ўртacha куч билан	Ўчоғи узунлиги 30 км гача, бузиш зонаси 20-300 км	30 йилда бўлиши мумкин	1 -2 ЯП	Ахоли яшаш пунктлари вайрон бўлиши, одамларнинг ҳалок бўлиши.	
	Фалокатли 11-12 бал	Ўчоқ узунлиги 100км гача ва бузиш зонаси 50x1000 км	Бирнеча Ўн йилда бир марта	1000 ва ундан ортиқ ЯП	Саноат корхоналари ва ахоли яшаш жойларининг бутунлай вайрон бўлиши. Кўплаб одамларнинг ҳалок бўлиши. Ер рельефида Ўзгаришлар бўлиши.	190.0 0
Атмосферада бўлиши мумкин бўлган	Довул	Бир неча област ва бир неча давлат худудида бўлиши мумкин	Бир йилда бирнеча юз марта	Бирнеча Ўн ЯП	Ишлаб чиқариш ва ҳаёт фаолиятига қисқа муддат таъсир кЎрсатади ва бирмунча моддий йЎқотишларга олиб келади	
	ТЎфон	Таъсири юқоридаги каби, кЎпинча тропик ва субтропик кенгликларда бўлади	Бир йилда бирнеча марта	Бирнеча минг ЯП	Саноат обьектларига ва ахоли яшаш биноларига жиддий заар етказади. Одамларнинг ҳалок бўлиши мумкин.	

	БҮрон	Юқоридағи каби, ҳамма кенгликларда бүләди	Фалокат-лиси 2-3 йилда бир марта	Бирнече юзгача ЯП	Юқоридагидек	
Сув тошқинлари	Тошқин юқори нұқтаси-гача күтарилади	Дарёлар яқинига жойлаш-ған во-дийлар			Водийни күп қисмини сув босиб кетади. Ҳаёт фаолияти ва саноат корхоналари иши-га путур етка-зилади. Қисман одамлани күчирілган. Сезиларли моддий заарар келтирған.	
	Фожиали сув тошқини	Бутун во-дийни сув босиб кетади.	100-200 йилда бир марта		Бутун водий бүйлаб ҳаёт фаолияти издан чиқади. Ахоли оммовий күчирілади. Нихоятда катта моддий заарар етказилади. Одамлар халок бүләди.	180.00 0

5-жадвал

Силкиниш ба-ли	Атамалари	Натижаси
1.	Сезилар-сезилмас силкиниш	Сейсмик асбоблар ёрдамида аниқланади
2.	Жуда күчсиз силкиниш	Сейсмик асбоблар ёрдамида
3.		Аниқланади. Тинч ҳолатдаги одамлар сезади
4.	Сезиларли сикиниш	Дераза, эшик ва деворларғичирлайди.
5.	Анча күчли силкиниш	Бинолар, мубеллар ва курилмаларда силкиниш сезилади. Деворларда сувоқлар күчіб тушиши мүмкін ва қисман ёриқлар пайдо бүләди.
6.	Күчли силкиниш	Деворлар қисман бузилади. Одамлар оммовий тарзда уйлардан қочиб чиқади. Баъзибир ҳолларда ёнғинлар

		чиқиши мумкин.
7.	Жуда кучли силкиниш	Биноларда ёёриклар пайдо бўлиши, бузилиши кузатилади. Электр Ўтказгич симлар узилиши мумкин.
8.	Ўта кучли силкиниш	Эски бинолар батомом қулайди. Қолганлари ҳам жиддий заарланади. Ерларда ва тепаликларда ёриклар пайдо бўйлади. Электр узатиш ва алоқа воситалари асослари қулайди.
9.	Вайрон қилувчи силкиниш	Ғиштдан қилинган уйлар каттиқ зарарланади. Ёғоч уйлар қийшайиб бузилиб кетади. Гидротехника воситалига жиддий зарар етказилади.
10.	Ўта вайронали силкиниш	Деярли ҳамма бинолар бузилиб кетади. Ерда 1 м гача катталиқда ёриклар пайдо бўйлади. Автомобил ва темир Ўллар бузилиб кетади
11.	Ҳалокатли силкиниш	Бинолар бутунлай вайронага айланади. Темир Ўл рельслари букилиб кетади. Ер юзасининг ҳамма жойида ёриклар пайдо бўйлади. Тепалар сурилиб кетади. Ер ости бинолари бузилиб кетади.
12.	Ўта ҳалокатли силкиниш	Ер сурилиши ва ёрилиши ҳамма жойда баравар кузатилади. Дарёларнинг Ўналиши Ўзгаради Ер юзасининг рельефи деярли Ўзгариб кетади. Кўллар ҳосил бўйлади.

6-жадвал

Зарарланиш дараа-жаси	Белгиси	Бино қийматининг бўллаги сифатида белгиланган нисбий зарар
0	Йўқ	0
1.	Енгил	0,05
2.	Ўртacha	0,15
3.	Оғир	0,60
4.	Бузиб юборувчи	1,20
5.	Ўпирилиб кетган	2,50

## 6. ТАБИЙ ОФАТЛАРДАН МУХОФАЗАЛАНИШ ЎЛЛАРИ

Юқорида такидлаб Ўтганимиздек табиий офатлар ҳозирги замон жаҳон ҳамжамиятининг ҳамма ҳалқлари учун бирдек хавфли бўлган, айниқса табиий офатлар бўлиши мумкин бўлган худудларга жойлашган ҳалқлар учун жуда катта йўқотишлар ва ташвишлар олиб келадиган ва келтирадиган зарари хаттоки ядро қуроли даражасидан кам бўлмаган офат хисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки табиий оғатларнинг баъзибирларини пайдо бўлишидан бирмунча вақт олдиндан билиш имконияти бўлсада, баъзибирлари, масалан ер қимирлашни ҳозирги замон фани бирмунча ютуқларга эришган бўлишидан қатий назар ҳозир аниқ айтиб бериш имконияти чегараланган. Агар фанда эришилган ютуқлардан фойдаланиб табиий оғатларни бўлиш муддатини олдиндан айтиб бериш имконияти бўлганда унинг оқибатида келиб чиқадиган қурбонлар ва анча катта миқдордаги моддий бойликлар сақлаб қолинган бўлар эди. Ҳозирги замон фани ютуқларидан фойдаланиб табиий оғатларнинг турларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги зараркунандаларининг кенг кўламда кўпайиб кетишини ва баъзибир касалликлар тарқалишини олдини олишга қаратилган баъзибир ҳолатларни олдиндан башорат қилиш имконияти туғилди. Бунинг учун кўп йиллик йифилган статистика маълумотларидан фойдаланиб бундай шароитларнинг такрорланиш давр оралиqlари аниқланади ва ер суний йўлдошлари ёрдамида олинган қуёш активлиги даврий қайтарилиши муддатларини олиб солиштирилади, шунингдек уларни оби-ҳаво, зилзилани Ўрганиш, вулқоншунослик ва бошқа кузатув станциялари маълумотлари олиниб умумий ҳисоб қилиб чиқилади. Масалан, мамлакат миқёсида ҳалқаро келишувга асосан тўфонлар, бўронлар, вулқонлар отилиши ва сел оқимлари ҳақидаги маълумотлар ернинг метеорологик йўлдошлари ёрдамида олинган маълумотлар асосида башорат қилинади. Ер қимирлашларни эса, ер қимирлаш хавфи бўлган зоналарда сувнинг кимёвий таркибини мунтазам Ўрганиш, ер юзаси ҳолатини геодезик Ўлчаш, тупроқнинг эластиклиқ, электр ва магник хусусиятларини Ўлчаш, қудукларда сув сатхининг Ўзгаришини Ўрганиш ва ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, балиқлар ва қушларнинг Ўзини тутиш ҳолатларига қараб башорат қилинади

Ўрмонлар ва чўллардаги кенг миқёсдаги ёнғинларни уларнинг оби-ҳаво шароити, ҳарорати, жойлашиш минтақаси, статистика маълумотлари ва бошқа қўшимча маълумотлар коэффициентлари йиғиндилирдан келиб чиқадиган ҳулосалар асосида башорат қилинади.

Табиий оғатларни келиб чиқишини олдини олишга қаратилган чоратадбирларнинг баъзибир йўналишлари устида ҳам иш олиб борилмоқда, жумладан ёнаётган Ўрмонларни устига суний ёмғир ёғдириш, шунингдек бундай ёнғирлар қурғоқчиликка қарши ҳам яхши натижа беради, дўл ёғишини олдини олиш учун булатларни ракеталар ёрдамида снарядлар билан кимёвий моддалар сепиш йўли билан уларни ёмғирга айлантириш, шунингдек бундай воситалар ёрдамида атмосфера қатламларида пайдо бўлаётган бўронлар ва тўfonлар ҳосил қилиш мумкин бўлган жараёнларни бошланғич этапларида йўқотиш ва унинг иложи бўлмаса кучини камайтиришга қаратилган чрра-тадбирларни ишлаб чиқиш устида бутун дунё миқёсида тинмасдан изланишлар олиб борилмоқда.

Ер юзидаги аҳолининг кўпчилик қисми ер қимирлаши хавфи остида яшайди. Шунинг учун ҳам бу йўналишдаги ишлар бутун дунё миқёсида олиб

борилмоқда. Бу соҳада ер шарининг ҳар хил бурчакларида 1200 сейсмик станциялар фаолият кўрсатмоқда.

Хозирги вақтда ер қимирлашига қарши воситалар сифатида суний ер қимирлашлар ташкил қилиш масаласи кўндаланг турган масала ҳисобланади. Ҳалқаро сейсмология институтларининг баъзибир кўзга кўринган намояндалари табиатда ҳосил қилинган суний ер қимирлашлар ер остида йигилган кучланишларни ташки туртки натижасида бузиб юбориш ёки бирмунча олдинроқ бу кучларни ишга солиб юбориш кўп микдорда йигилган потенциал энергияни Ўзича ер қимирлашнинг табиий ҳолати сифатида сарфланишига қараганда анча кам зарап етказиши мумкинлиги ҳақида сўз юритмоқдалар. Бу фикр мулоҳазаларнинг далили сифатида Симипалатинск ядро полигони сейсмик худудга жойлашган бўлишига қарамай у ерларда Ўтказиб келинган ер ости ядро куроли синовлари натижасида бу ерда ва унга яқин жойлашган Олма-ота худудларида ер қимирлаш бўлмаганлигини кўрсатмоқдалар. Аввллари бу ерлар зилзила хавфи бўлган худудлар ҳисобланарди. Бу келтирилган мулоҳазалар мунозарали бўлса ҳам ундан тахминий йўналиш (гипотеза) сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ҳозирги илм-фан ривожланиши натижасида олингани башорат билан ер ости жараёнлари қучайган ва зилзила юз бериши муқаррар бўлиб қолган худудда унча катта бўлмаган ядро зарядини ер остида портлатиш у ерда йигилган кучланишларни кучсизлантиришга олиб келиши мумкин. Бу эҳтимол зилзилани олдини олишнинг яқин келажақдаги имконият даражаси бўлиши мумкин.

Зилзила оқибатларини сусайтиришнинг синалган ва ишлатиб келинаётган усули ҳам мовжуд. Бу зилзила бўлиши мумкин бўлган худудларда қурилаётган биноларни зилзилага бардошли қилиб қуришдир. Зилзила вақтида асосан зилзилага бардошлилиги ҳисобга олинмай қурилган иморатларнинг қулаши натижасида кўплуб қурбонлар берилиши аниқ. Буни 1966 йилги Тошкентда бўлган зилзила оқибатларини таҳлил қилинган маълумотлардан ҳам кўрса бўлади. Бу ерда кулаган биноларнинг деярли ҳаммаси зилзилага бардошлилиги ҳисобга олинмасдан қурилган эски шаҳар атрофидаги эски бинолар эди. Қисман зилзилага бардошлилиги оширилган эски отабоболаримиздан қолган синч деворли биноларнинг зилзила Ўчоғи бўлган туманда ҳам Ўз барқарорлигини йўқотмагани маълум. Демак биноларни зилзилага бардошлилигини ошириш зилзила оқибатларини камайтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида зилзилага бардошлилиги оширилган Япониядаги кўргина осмонўпар бинолар зилзилага бардош берганини ва талофотлар кмайганини кўрсатиш мумкин. Шуни ҳам такидлаш керакки, бундай воситалар бизда қабул қилинган шкала бўйича 9 балдан ортиқ бўлмаган зилзилалар учун белгиланган чора-тадбирлар ҳисобланади. Рихтер шкаласи бўйича 9 балли зилзилага ҳечқандай бино бардош бераолмаслиги аниқ. Олимларнинг башоратига қараганда бизнинг худудимизда

бўладиган ер қимирлашлар оддий Ўзимизда қабул қилинган 12 балли шкала бўйича 8 баллдан ошмаслиги таъкидланади.

Табиий офатлардан сақланишда турлича усуллардан фойдаланилади. Дунёнинг кўплаб худудларида кузатиладиган табиий офатлар бизнинг Республика изда деярли учрамайди. Масалан Россия Федерацияси кўпина худудларида бўладиган сув тошқинлари, айниқса баҳор фаслида кузатиладиган муз кўчиши билан бўладиган тошқинлар ахён-ахёнда тоғли худудларда кузатилса ҳам ундай ҳолат доимий эмас. Шунинг учун биз диққат-этиборни худудимизда содир бўлиши аниқ ва доимий бўладиган табиий офатлар сирасига кирадиган зилзилалар ва ёнғфинлар ҳақида умумий маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

## 7. АҲОЛИНИ ВА АҲОЛИ ЯШАШ ҲУДУДЛАРИНИ ТИНЧЛИК ШАРОИТИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСАЛАР ВАҚТИДА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Юқорида кўриб Ўтилган воқиалар табиатнинг Ўз ҳодисаси яъни табиий офатлар сирасига кирадиган воқиалар эканлигини, булардан ташқари яна шундай ҳодисалар учрайдики, бундай ҳодисаларни ҳам фавқулодда ҳодисалар қаторига қўшишга тўғри келади. Агар умумий фавқулодда ҳодисаларга кенг маънода тариф берсак унда уни қуидагича таърифлаш мумкин.

Маълум аҳоли яшайдиган худудда ҳархил фалокатлар, авриялар табиий офатлар ва экологик офатлар, шунингдек одамларда кўплаб юқумли касалликлар келиб чиқиши натижасида одамларни кўплаб моддий бойликлардан маҳрум қилиш билан бирга кўплаб одамларнig умрига зомин бўлиш билан ҳаёт фаолияти шароитларини бузилишига олиб келадиган вазиятлар фавқулодда ҳолатлар деб юритилади.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра ҳозирги вактда қабул қилинган ақидага кўра фавқулодда ҳодиса натижасида 10 ёки ундан кўпроқ кишининг Ўлимни ёки тезкор тиббиёт хизматига муҳтоҷлик билан туганланса уни фалокат деб аташ қабул қилинган. У ёки бу ҳолатда бошқача ном билан аталган ҳолатларни ҳам инкор этмаслик керак. Олдиндан айтиб Ўтиш керакки, фалокатларнинг талқини ҳар ерда ҳар хил талқин қилинмайди лекин шуни ҳам такидлаш керакки уларга бирхил ҳолатларда бир томонлама ва бошқа ҳолатларда кўп томонлама баҳолашга тўғри келади. Жумладан экологияга футур етказиш билан томомланган авариялар ҳозирги айни вактда уни зарарини чукур фаҳмлаб етган бўлсакда унинг зарари ҳозирги вактда бутунлай сезилмаслиги ва маълум вақтдан кейин юз кўрсатганда унинг зарари ниҳоятда аянчли эканлигини тушуниб этишимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам одам ҳаёт фаолиятинимуҳофаза қилиш умумий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан уйғунлашиб кетганлигини бу фақатгина биз-

ни Ўраб турган табиат ва Ўсимлик ва ҳаво муҳити, шунингдек умумий микроорганизмлар ҳам макроорганизмлар бирр текислиқда қараш ва уларнинг умумий биосфера қатламларида муҳофазани кучайтириш мақсадида фавқулодда ҳодисаларни аниқ ифода қилиш лозимлиги таъкидланади.

Бундай дейишимизнинг Ўзига хос сабаби бор албатта, яъни ҳарқандай фавқулодда ҳодиса унинг фақатгина Ўзига хос сабаби ва қиёфаси ва Ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлади.

Ҳар битта фавқулодда ҳодиса асосида ташқи муҳит билан инсон Ўртасидаги мувозанат бузилганлигини ёки уларни мувофиқлаштирилишини таъминлайдига боғловчи тизим ёки жамият тизимининг бузилганлигини кўрсатувчи маъно ётади.

Илм техника тараққиёти кўрилмаган даражада ривожланиши шунга олиб келдики, у инсониятнинг маданий ривожланишидан олдинлаб кетди ва бу одамлардаги таваккаллик хусусияти билан одамларнинг хавфсизликни таъминлашга тайёргарлиги орасида узилиш вужудга келди. Бундай таваккалчиликнинг катта майдондаги ҳаракати ниҳоятда катта фалокатларга олиб келиши мумкинлиги инсоният онгига кириб келабошлади. Бунга мисол тариқасида инсониятнинг ядро ҳаракатини келтириш мумкин. Аввалига ҳамма кучли давлатлар зўр бериб ядро қуролларини кўпайтириш тараддудига тушди, лекин бу тараддуд бутун ер юзини фалокатга гирифтор қилиши мумкинлиги аввалига ҳечкимнинг ҳаёлига келмади ва кейинчалик қилинган ишларнинг бир-иккита натижаси кўриниши билан бу ишларга барҳам бўриш зарурлиги тушиниб етилгандан кейин кўринидики вақт Ўтган ва бу ҳалокатли вазият иккинчи ва учинчи қатламдаги ривожланаётган давлатлар томонидан амалга оширилмоқдаки бунинг натижаси нима билан тугалланиши номаълум.

Яна битта тарихий омилни айтиб Ўтиш жоиз деб ҳисоблайман. Собиқ иттифоқ даврида ядро қуролларини ривожлантириш билан бир вақтда кимёвий ва бактереологик қуролларни ҳам ишлаб чиқариш ниҳоятда авж олган эди ва бу соҳа кўзга кўрилмаган даражада тезлик билан бундай моддаларнинг миқдорини ошириш йўли билан амалга оширилди. Бунинг натижасида бу моддаларнинг бирнеча Ўн минглаб тоннаси маълум регионларга жойлаштирилди.

Охирги йилларда жаҳон ҳамжамияти ташкилотларининг саи-ҳаракатлари натижасида бу моддаларни ер юзидан бутунлай йўқотиш зарурлиги ҳақидаги ҳаракат кучайиб кетди ва кейинги иттифоқ тарқалиш олдидан ва тарқалгандан кейинги даврларда етакчи давлатлар йиғинларида кимёви ва бактереология қуролларидан фойдаланиш тақиқланиши ҳақидаги декларацияга деярли жаҳондаги ҳамма давлатлар қўшилди. Шундан кейин бу моддаларни бутунлай йўқотиш ҳақида қарор қабул қилинди. Собиқ иттифоқ тарқаб кетгандан кейин бу моддаларнинг асосий заҳиралари Россия ҳудудида эканлиги маълум бўлди. Демак бу заҳираларни йўқотиш вазифаси ҳам Россия зиммасига тушди. Жаҳон ҳамжамияти ташкилот-лариниг моддий ёрдами билан ҳам бу моддаларни йўқотиш ишлари ниҳоятда оғир кечмоқда, чунки

бу заҳарли моддаларни йўқотиш технологияси ишлаб чиқилмаган ва буларни йўқотиш учун қурилган фабрика ва заводлар атроф-муҳитга катта зарап етказиши билан бирга у ерда яшовчи одамлар ҳаётига ҳам жиддий хавф солмоқда. Чунки бу заҳарли кимёвий моддалар таркиби ҳам заҳарли бўлганлигидан уни бирор бир кимёвий модда билан таъсир кўрсатиб йўқотиш имконияти чекланган ва ёқиб юбориш мумкин эмас, экология ва одамлар ҳаётида жиддий хавф туғдиради, қўшимча моддалар кўшиб ишлов бериш жуда қимматга тушади ва бу мамлакат иқтисодига оғир путур етказади. Кўриб турганимиздек бир вақтлар Ўйламай қилинган хатолик кейинги авлодлар яъни ҳозирги авлодлар учун оғир фожиали бўлиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам табиатга катта кўламдаги жараёнлар билан таъсир кўрсатиш жуда катта фожиаларга олиб келиши мумкинлигини унитмаслик керак.

Фавқулодда ҳодисалар Ўзининг қуйидаги хусусиятларига кўра синфланади:

**-тўсаттанлик даражаси:** тўсатдан (башорат қилиш мумкин бўлмаган) ва кутилган (башорат қилиш мумкин бўлган). Фавқулодда ҳодисаларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий турларини башорат қилиш унча қийин эмас, аммо табиий оғатларни башорат қилиш қийинроқ. Албатта табиий оғатларни башорат қилиш мукин бўлганда унинг оқибатларидан кўпчилигини олди олинган ва моддий ва одамлар учун хавфли омилларни четлаб Ўтиш учун имконият яратилган бўлар эди хаттоки баъзибир ҳолларда фавқулодда ҳолатни бутунлай келиб чиқарувчи омилларига таъсир қилиш йўли билан уларни келиб чиқмасликлари таъминланган бўлар эди.

**-тарқалиш тезлиги:** фавқулодда ҳодисалар ҳархил кўринишда портлаш, тез ривожланувчи, тез тарқалувчи, сокин тавсифларга бўлинади. Портлашга кучли зилзилалар, бўронлар ва тўфонлар ҳамда террорчилик ҳаракатлари киради. Тез ривожланувчи турига ҳарбий тўқнашувлар, техноген авариялар, табиий оғатларнинг баъзибирларини киритилади, сокин турига экология тавсифига эга бўлган фавқулодда ҳодисаларни киритилади.

**-тарқалиш масштаби:** фавқулодда ҳодисаларни масштаби бўйича қисман, объект бўйича, маҳаллий, худудий, миллий ва умумий турларга бўлиш мумкин. Қисман, объект бўйича, худудий ва маҳаллий фавқулодда ҳодисалар Ўз номланишларига кўра объектнинг бир қисмида, Ўзида ёки шу худудда рўй берган бўлиб ташқаридагилар ҳечқандай таъсир сезмаган ва маҳаллий худудий ва умумий турларида бирнеча давлат ёки бирнеча вилоят ёки республика унинг таъсиридан азият чеккан деб қаралади.

**-таъсир даври:** таъсир даври бўйича фавқулодда ҳодисалар қисқа муддатли ва узоққа чўзиладиган турларга бўлиб қаралади. Атроф-муҳитни булғаш билан Ўтадиган ҳамма фавқулодда ҳодисалар узоққа чўзиладиган турга киритилади.

**-фавқулодда ҳодисалар тавсифи бўйича:** олдиндан Ўйлаб қилинган (атайлаб) ва бехосдан бўлиши мумкин. Атайлаб қилинган фавқулодда

ҳодисаларга миллий, ижтимоий ва ҳарбий ҳаракатлар ва шунингдек террористик ҳаракатларинип киритиш мумкин. Табиий оғатлар, техноген авария ва катастрофалар бехосдан бўлган табиий оғатлар қаторига киритилади.

